Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 184 (20. 451) • 1989 йил 9 август, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

КОМИССИЯНИНГ МАЖЛИСИ

7 август куни Кремлда СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат А. И. Лукьянов раислигида СССР Конституцияси (асосий қонуни)га ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида СССР қонуни лойиҳасини тайёрлаш комиссиясининг мажлиси бўлди.

Мажлисда СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Советининг СССРнинг амалдаги Конституциясига сайлов системаси хусусидаги масалалар, ижтимоий тараққиётнинг бошқа энг муҳим масалалари юзасидан тузатишлар киритиш тўғрисидаги топшириқларини амалга оширишга алоҳида эътибор берилди.

Бу ишда СССР халқ депутатлари билдирган таклиф ва мулоҳазаларни, шунингдек гражданлар, жамоат ташкилотлари ва илмий муассасалардан комиссияга келаётган таклифларни имкони борича ҳисобга олиш зарур, деб эътироф этилди.

(ТАСС).

АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

ПАРВАРИШ ҚИЗҒИН

Бағдод районидаги «Большевик» колхозининг Боқижон Йнгиталиев бошчилигидаги оилавий жамоаси шу кунларда ғўзаларга ишлов беришда хўжалик коллективлари ўртасида пешқадамлик қилишаётир.

— Икки нафар келиним ва қўшнимнинг қизи билан тўрт гектар ерда ғўза ўстиряпмиз, — дейди у биз билан суҳбатда. — Усимликнинг ривожи ёмон эмас. Шу кунгача тўрт марта чопиқдан, уч марта сувдан чиқардик. Қатор оралари уч маротаба культивация қилинди.

Оилавий жамоа бу йил ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил олиб, ялпи хирмонни 12 тоннага етказиш учун курашмоқдалар. Шу кунларда экинни ўғитлаш, суғориш, қатор ораларини юмшатиш билан бир қаторда пайкаллар бегона ўтлардан тозаланмоқда. Йўллар текисланиб, хирмон жойлар ҳозирланяпти. Дала ишларини тез ва соз адо этишда Қулпиниса, Фотима ва Нилуфарлар намуна кўрсатишяпти.

М. АҲМЕДОВ.

ҚУСАКЛАР КУПАЙМОҚДА

Поп районидаги «Поп» совхози пахтакорлари ғўза парваришини шу кунининг талабга мувофиқ намунали олиб боришга ҳаракат қилмоқдалар.

Кўнгилдагидек ишлов берилган ғўзаларнинг авжи баланд. Ҳар туп ғўзада ўртача 9-10 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин. Миришкорларнинг ҳалол меҳнатлари туфайли ғўзаларда ҳар уч-тўрт кунда яна биттадан кўсак шаклланмоқда. Совхознинг Манзура Каримова, Қодирали Толиповлар бошлиқ бўлимларида, айниқса мўл ҳосил тўпланмоқда.

Совхоз аъзоларидаги ҳозиргача экинга етти марта комплекс ишлов бердилар. Дала ишларининг ўз вақтида сифатли адо этилаётганлиги туфайли кун сайин шона гулга, гул кўсакка айланаётир.

Б. МАҲМУДОВ.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

● Далаларда кузда тикланажак баракали хирмонларимиз тақдири ҳал бўлмоқда. Ғўза парваришини кучайтириб, барча пайкалларда план ва мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган даражада мўл ҳосил тўплашга эришайлик!

● Ҳар бир туп ғўзанинг обиҳаётдан етарли баҳраманд бўлиши —кўсаклар сони ва салмоғининг ортишига олиб келади. Қатраси зарга тенг сувдан оқилона, самарали фойдаланайлик!

● Мўл ва эртаки ҳосил етиштиришда чеканканинг аҳамияти катта. Бу муҳим тадбирларнинг тез ва соз адо этилиши таъминлансин.

● Ғўза ривождан кечикаётган бу йилги шароитда йиғим-теримни механизациялаш муваффақият гаровидир. Барча терим техникасини яқин орада пухта созлаб қўйишни унутманг.

● Далада ишлаётганлар учун зарур шарт-шароитларни яратиш партия, совет, хўжалик раҳбарларининг биринчи галдаги вазифасидир.



ҲОСИЛ МЎЛ БЎЛАДИ

Ленин йўли районидаги Охунбобоев номли совхозининг миришкор деҳқон Ҳамро Пардаев бошлиқ оилавий звеноси аъзолари 26 гектар ернинг ҳар гектаридан 32,6 центнердан пахта олишга аҳд қилишган эди. Ғўза парваришларнинг агротехника қоидаларига амал қилинган ҳолда намунали олиб борилганлиги туфайли ҳамма майдонлардаги ғўзалар серҳосил бўлиб ўсмоқда. Бу звенога кўзланганидан ҳам юқори ҳосил олиш имконини беради.

Ҳозир пайкалларда ўсимлик парваришини кучайтириш билан бирга ғўза чеканкаси уюшқоқлик билан давом эттирилятпти. Моҳир механизатор А. Мирзаев ўстирилаётган ғўза нави талабларидан келиб чиққан ҳолда етарли баландликни таъминлаб чеканка ўтказяпти.

Суратларда: механизатор А. Мардиев ва ғўзани чеканка қилиш пайти тасвирланган.

И. ХЎЖАЕВ суратлари (ЎзТАГ).

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Ғазалкент, 8 август. (ЎзТАГ). Бу ерда Тошкент области партия-хўжалик фаолларининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари Бўстонлиқ-Паркент зонасидаги экология вазиятининг ҳолатини ҳамда бу зонани социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Йиғилишда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов нутқ сўзлади.

Дунё овози

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

БУДАПЕШТ. Партия аппарати ходимлари кескин қисқарганлиги муносабати билан Венгрия Социалистик ишчи партияси Сольнок (Шарқий Венгрия) область комитети бўшаб қолган биноларни жамоатчилик эҳтиёжлари учун беришга қарор қилди.

Обком қарорига биноан баъзи ташкилотлар бинолардан фойдаланганлик учун ижара ҳақи тўлайдилар, бошқалари эса улардан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Область комитети ошхонаси ҳамда гаражи кўпчиликнинг фойдаланиши учун, Тиса дарёсининг хушманзара соҳилига жойлашган дам олиш уйи биноси эса мавжуд режаларга кўра, меҳмонхона трести ихтиёрига берилади. Бундан ташқари ВСИП Карпат шаҳар комитетининг бўш хоналарига ҳеч қандай ижара ҳақисиз болалар поликлиникасини жойлаштириш кўзда тутилган.

ВАРШАВА. Об-ҳаво инжиқликлари — узоқ давом этган қурғоқчилик, унинг кетидан бошланган кучли ёмғирларга қарамай, бу йил Польшада ҳосилнинг яхши бўлиши кутилмоқда. ПХР бош статистика бошқармасининг бу ерда эълон қилинган дастлабки маълумотлари шундан далолат беради.

Мамлакатнинг аксарият воеводаликларида асосий дон экинлари ҳосили ўтган йилга нисбатан юқори бўлади ва тахминларга қараганда, 25,4 миллион тоннани ташкил этади. Бу эса ўтган йилга қараганда 5 процент кўп демакдир. Гектар бошига ўрта ҳисобда тахминан 30,8 центнердан дон ҳосили олинади. Польшада кенг миқёсда экилаётган рапсни йиғиштириб олиш 22,8 процент кўпаяди.

СОФИЯ. Болгариянинг денгизбўйи шаҳри — Каварнада анъанавий денгиз ҳафталиги — денгизчилар, балиқчилар, кемасозлар, денгиз билан алоқадор бошқа кўп касблар эгаларининг байрами очилди.

Каварнанинг минглаб аҳолиси, кўпдан-кўп хорижий туристлар терма оркестрнинг тантанали юришини, БХР ҳарбий-денгиз флоти ашула ва рақс ансамблининг чиқишларини узоқ вақт эсларида сақлаб қоладилар. Бу байрам БХР ҳарбий-денгиз флоти ашула ва рақс ансамблининг концерти билан бошланди.

(ТАСС).

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

● ТАДҚИҚОТГА АСОСЛАНИБ

ҚОҲИРА. Форс кўрфазидаги араб давлатлари ҳамкорлиги кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар аҳолисининг умумий сони 1990 йилга бориб, 20 миллион 159 минг кишига етади.

МЕНА ахборот агентлиги Баҳрайн марказий статистика бошқармаси ўтказган тадқиқотга асосланиб, шу ҳақда хабар қилди. Ана шу фаразларга кўра, региондаги энг катта давлат — Саудия Арабистонида аҳолининг сони кўпайиб, 14 миллион 131 минг кишига етади. Кенгашга аъзо бўлган бошқа мамлакатларда: Баҳрайнда 515 минг, Бирлашган Араб Амирликларида — 1 миллион 588 минг, Уммонда — 1 миллион 468 минг, Қувайтда — 2 миллион 90 минг, Катарда — 367 минг кишига етади.

● КУПЧИЛИК ИШТИРОКИДА

ТРИПОЛИ. Ливия Жамаҳириясининг барча шаҳарлари ва аҳоли пунктларида 1977 йилда Ливияда ўрнатилган бевосита халқ ҳокимияти системасининг асосий бўғинлари — бошланғич халқ йиғилларининг мажлислари бошланди.

Мамлакат аҳолиси (бошлангич халқ йиғилишлари мажлисларида ҳамма одамлар иштирок этмоқдалар) кундалик турмушнинг энг муҳим масалаларини муҳокама қилмоқда. Ҳозир ўтаётган сессияларда қабул қилинган қарорлар, бошланғич халқ йиғилишларининг бундан кейинги икки сессияси қарорлари ҳам умумий халқ конгресси муҳокамасига қўйилади. Конгресс тасдиқлаганидан сўнг улар қонун кучига эга бўлади.

● ПОЙТАХТ ЯНА ЎҚҚА ТУТИЛМОҚДА

КОБУЛ. Исёнчилар Афғонистон пойтахтини яна ўққа тутиб, уй-жой кварталларига «ер-ер» классидаги 40 дан ортиқ ракетани отдилар.

Бундай вақшийлик натижасида гражданлардан 9 киши, шу жумладан аёллар ва болалар ҳалок бўлди, 35 киши жароҳатланди. Кобулда асосан чет эл элчилар яшайдиган «Интерконтинентал» меҳмонхонасига катта моддий зарар етди.

● ЧЕГАРАДАГИ ОТИШМА

ДЕҲЛИ. Жамму ва Кашмир штатининг Рамгарҳ секторида Покистон ва Ҳиндистон чегарачилари ўртасида отишма давом этмоқда.

Ўтган жума куни Ҳиндистон чегарачилари покистонликлар оралиқ ерда қандайдир объект қурилишларига чек қўйишга уринган пайтда отишма бошланган эди. ЮНИ агентлигининг таъкидлашича, отишма натижасида покистонликлардан камида икки киши ўлган, Ҳиндистон томонидан эса жабрланганлар йўқ.

(ТАСС).

• Хўжалик ҳисоби—экономикамиз истиқболи

ЯНГИЧА ИШЛАШ ХОСИЯТИ

Тракторчи Султонбой Дўсжонов ўттиз бир йиллик тажрибага эга. Тракторда бирон бир ишкал бўлса, моторнинг овозини тинглаб, ғилдиракларининг айланишини кўрибоқ гап нимадалигини айтиб бера олади. Зиммасидаги вазифани ҳар доим ўз вақтида, сифатли ўринлаган. Бир сўз билан айтганда, ўз касбининг устаси.

Яқинда Дўсжонов бошқариб юрган тракторнинг орқа «кўприги» ўтириб қолди. Уни созлаш учун паркка келтирди. Бош инженер Отажон Полвонов ишдан чиққан қисмни синчиклаб кўздан кечирар экан деди:

— Бир ҳафталик иши бор экан. Бу пайтда дам олиб турасизми?

— Оиламиз пудратга ер олган. Уларга қарашаман.

— Яхши. Бир ҳафтадан кейин келиб, тракторни қабул қилиб оласиз...

Бу воқеадан таажжубланишингизга асос бор. Бонеи механизатор шунчалик тажрибали бўлса-ю, тракторни сифатли созлаш ўрнига паркка ташлаб кетса? Тағин, бош инженер унга бир ҳафта дам олинг, ёки ўз ниятингизни айтинг, деб турса? Одатда шундай ҳолларда бунинг акси бўлиши керак. Механизаторларнинг ўзи тракторлари бошида туриб, созловчилар билан биргаликда ремонт қилишади. Агар уларнинг шу кезда бирон зарур иши чиққан тақдирда, ишкаллик тузатилгандан кейингина рухсат олишлари мумкин.

Бундан ярим йил олдин Урганч районидаги Охунбоев номли колхозда ҳам аҳвол шундай эди. Созловчилар хўжалик ҳисобида ишлашга ўтгач, янги йўсиндаги иш тартиби юзага келди. Ҳозир механизаторларимизнинг фаолияти учувчиларникига ўхшаб кетади. Улар фақат ҳайдов, юк ташиш билан шуғулланишади, барча созлаш ишлари созловчилар зиммасида.

Пудрат — оқилона иш юритишни, пухта ҳисоб-китобни тақозо этади. Бунга хўжалик раҳбар ва мутахассислари барча бригадаларни оилавий пудратга ўтказиш жараёнида амин бўлишган эди. Ўшанда янги усулда ишлаш механизми ўзаро манфаатдорлик асосига қурилсагина яхши самара келтиришини тез орада кўрсатиб берганди. Шу боис трактор паркини хўжалик ҳисобига ўтказишдан аввал бу соҳадаги тажрибалар синчиклаб ўрганилди. Бош инженер О. Полвонов Ворошилов область Краснодон районидаги бир қатор хўжаликларда бўлиб, улар тажрибаси билан танишди. Колхоз иқтисодчилари трактор паркининг ўтган уч йил мобайнидаги созлаш юмушларига сарфланган харажатларини таҳлил қилишда жуда қаттиқ изза бўлишди. Шу-шу ишда сифат ҳар бир созловчининг энг масъулиятли вазифасига айланди. Агар кимки нуқсонга йўл қўйса, зарари маошидан ушлаб қолинади.

— Касалликнинг олдини олиш осонми ёки дардга чалингандан кейин даволашми? — дейди колхоз раиси Раҳим Болтаев. — Турган гапки, биринчиси. Буни ҳеч иккиланмай «жонсиз темир»ларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Биз шу йўлдан боряпмиз. Шунинг учун тракторларнинг техник қаровини ўз вақтида ўтказишга жуда катта эътибор қаратиляпти. Масалан, Т-28 трактори 960 мото соат юргунча уч марта қаровдан ўтиши зарур. Бу қандай назорат қилинади? Жуда оддий. Биз ёнилғини талон асосида берамиз. Ана шу пайтда ҳар бир механизаторга муайян қаровгача етарли талон берилади. У тамом бўлгач, истайдими-йўқми паркка келади. Талабдаги юмушларни бажаргандан кейингина навбатдаги қаровга етарли ёнилғини олади. Шу туфайли техника воситаларининг умри узаяпти, ҳуда-беҳуда ремонтга тураверишнинг олди олинятпти.

Хўжалик ҳисоби омилкорликнинг бошқа резервларини ишга солишга ҳам ёрдам берятпти. Илгарилари колхоз тракторларининг электр ускуналарини созлаш учун райондан мутахассис чақиришарди. Ҳисоблаб кўришса, унинг ҳар бир тракторга кўрсатган хизмати 49 сўмни ташкил этибди. Ҳосилни йиғиб олиш, экиш даврларида мутахассисга 50 дан ортиқ таклиф тушишини ҳисобга олсак, йиллик харажат хўжалик ҳамёнига нечоғлик таъсир кўрсатишини аниқлаш қийин эмас. Паркда шундай хизмат пункти очилди-ю, ортиқча харажатга чек қўйилди. Ҳозир электрчи Рўзмат Оллоберганов бу юмушни бемалол уддалаяпти. Шунингдек, тракторларни жорий, капитал ремонт қилишдаги ортиқча ташвиш, қийинчилик ва сарфлар ҳам барҳам топди.

Паркнинг ўз ёрдамчи хўжалиги бор. Унда уч сигир, тўрт новвос боқилади. Бу ерда турли кўкат, сабзавот ва полиз экинлари ҳам етиштирилади. Ундан чиқаётган маҳсулотлар созловчиларни бепул озиқ-овқат билан таъминлашга имкон беряпти. Яна бир ибратли томони, улар ҳафтада олти кун меҳнат қилишади. Якшанба куни фақат навбатчи группа ишлайди.

Трактор паркининг хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаши туфайли қисқа вақтда бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Биринчи навбатда иш сифати, тартиб-интизом кучайди, мавсумий ташвишлар ўрнини омилкорлик эгаллади. Мисол учун илгарилари пахта териш машиналари терим арафасида созланарди. Ҳозир бу юмуш баҳор пайтидаёқ бажарилиб қўйилган. Иккинчидан, сарф-харажат тежалиб, иш ҳақи ошди. Ўтган йили созлаш ишларига 1986 йилга қараганда олти минг сўм кам сарфланди. Созловчилар маоши эса бу пайтда 30-35 процентга ошди. Учинчидан, кишиларда ўз касб маҳоратларини оширишга, меҳнатларининг қадрланишига имконият яратилди.

Буларнинг ҳаммаси жамланиб, энг асосий масала — тракторларнинг умри ва унумдорлигини оширишга, соз ишлашига, инсон омилининг ролини кучайтиришга хизмат қиляпти. Хўжалик аҳлининг ўтган йилги меҳнат сарҳисобларига кўра республика социалистик мусобақасининг ғолиби бўлганлиги бунинг яна бир амалий далилидир.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

● ВИЛЬНЮС

Озиқ-овқат саноати корхоналари вакиллари конференциясида «Литва озиқ-овқат саноати» давлат бирлашмаси тузилгани ҳақидаги ҳужжат имзоланди. Хўжалик ҳисобидаги бирлашмага новвойхоналар, қандолатчилик, қанд-шакар, ёғ-мой ишлаб чиқарувчи корхоналар, крахмал ва тамаки саноати заводлари, шунингдек спиртсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи заводлар киради.

● МОСКВА

СССР Қизил крест ва Қизил ярим ой жамиятлари союзи ижроия комитетида «Артек»ка даволаниш учун жўнаб кетаётган Совет ва Америка болаларининг учрашуви бўлди. «Болалар — XXI аср ижодкорлари» халқаро ҳаракати доирасида Бутуниттифоқ пионерлар лагери базасида «Саҳатсаломатлик ёш муаллимлари» деган мавзуда болаларни соғломлаштириш Совет — Америка йиғини ўтказилади.

● ЧЕРЕПОВЕЦ

Волга дарёсининг булғаниши Череповецдан бошланади — «XXI аср Волгаси» ёшлар экологик экспедицияси қатнашчиларининг фикри шундай бўлди. Экспедиция биринчи марта шу шаҳарда тўхтади. Экспедиция таркибига Москва давлат университети, СССР Фанлар академияси ва ВАСХНИЛ олимлари кирган.

● ҚИЗИЛ

Китоблар, ноталар, халқ ижодиёти ва мусиқа асбоблари Шарқий Саян тоғларининг юксак чўққиларини ошиб ўтган ғалати десантнинг анжомларини ташкил этди. Тува АССР ижодий союзларининг вакиллари, профессионал ва ҳаваскор артистлар Бурятиянинг жанубий-ғарбида ҳаёт кечираётган тофалар — кам сонли халқ вакилларининг ҳузурига меҳмон бўлиб келишди.

● БИРАБИЖАН

Хитой полизкорлари область марказидаги истеъмолчиларга ширин-шакар тарвузларни етказиб беришди. Ҳосил шаҳар яқинидаги «Завети Ильича» колхози далаларида етиштирилди. Бу ерда Хэйлунцзян вилояти деҳқонларига етмиш гектар ер ижарага берилган.

(ТАСС).

• Мактаблар шаймн?

МАСЪУЛИЯТ ЕТИШМАЯПТИ

Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори Шавқиддин Тиловов ўттиз йилдан буён Ғиждувон районидаги С. Айний номли мактабга директорлик қилади. У раҳбарлик қилаётган педагогика коллективи доимо районда биринчи бўлиб мактаб ремонтини тугаллайди. Бу сафар ҳам коллектив ремонт ишларини 10 июлда тугатишга эришди.

Директор ҳамроҳлигида дид билан безатилган йўлкалар бўйлаб юриб, синфхоналарни кўздан кечирар эканмиз, эртагаёқ машғулотларни бошлаш учун барча шароитлар яратилганига ишонч ҳосил қилдик. 1261 ўқувчи таълим оладиган барча синфлар, ўқув комбинатлари саранжом-саришта қилиб қўйилди, кўргазмали агитация воситалари янгиланди.

— Биз йил давомида ремонт ишларига ҳозирлик кўрамиз, — дейди биз билан суҳбатда Ш. Тиловов. — С. Айний номли колхоз правлениеси оталиқни чинакамига таъмин этмоқда. Ремонтга таллаётган кўпчилик ташкилий ва молиявий ташвишлар хўжалик раҳбарлари зиммасида. Халқ таълими район бўлими моддий-техника таъминотида яхши ёрдам бермоқда.

Дарҳақиқат, районда мактаблар ремонтига масъулият билан ёндашиляпти. Колхоз, совхозлар, корхона ва ташкилотлар бу ишнинг энг оғир томонини ўз зиммаларига олишяпти. Районда мактабларнинг жиҳозлари, шу жумладан парталар, стол-стуллар ремонти яхши ташкил қилинган.

Афсуски, областдаги барча районларда ҳам иш мана шундай уюшқоқлик билан олиб борилмаяпти. Область халқ таълими бошқармасида олинган маълумотларга кўра шу йилнинг 10 июлига келиб, 619 мактабдан 295 тасида жорий, 21 мактабда капитал ремонт поёнига етказилган. Мактабларо ўқув ишлаб чиқариш комбинатларидан бештасида капитал ва 25 тасида жорий ремонт бажарилган, холос.

Олот, Пешку, Томди ва Конимех районларидаги сусткашлик ташвишланарли. Мазкур районларда мактаблар ўз вақтида тегишли қурилиш материаллари билан таъминланмаган.

Янги мактаблар қурилишида ҳам талайгина нуқсонлар мавжуд. Шу йилнинг иккинчи кварталида молиявий таъминотнинг барча манбалари бўйича пландаги 5253 ўрнига 3152 ўқувчи учун янги синфхоналар фойдаланишга топширилди, холос.

Бухоро шаҳридаги 292 нафар жисмонан заиф ўқувчига мўлжалланган махсус мактаб-интернат қурилишида аҳвол, айниқса ёмон. Объект ўтган йили фойдаланишга топширилиши лозим эди. Афсуски қурилишнинг янги ўқув йилигача ҳам тугалланиши маҳол бўлиб турибди. Ҳозиргача 640 минг сўм ўрнига 395 минг сўмлик иш бажарилган. Ваҳолонки, область халқ таълими бошқармаси янги мактаб-интернатнинг директори ва хўжалик ишлари бўйича ўринбосарини аллақачонлар тайинлаб қўйган.

163-қурилиш трести область марказидаги 6-мактабнинг янги ўқув корпусини тиклашда ҳам лоқайдликка йўл қўймоқда. Мазкур объектда биринчи ярим йилликда пландаги 523 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларидан 157 минг сўмлиги бажарилган, холос. Умуман, трест область халқ таълими бошқармаси объектларидан тўрттасида белгиланган жадвалдан орқада қолмоқда.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларга бағишланадиган Пленуми олдидан

Қишлоғимиз кишилари

ЎЗАРО БИРДАМЛИК, АҲИЛ ВА ҲАМЖИҲАТЛИК УЛАРГА ХОС ФАЗИЛАТДИР

Коммунист Г. Пашинский райондаги пешқадам қурилиш ташкилотига раҳбарлик қилади. Геннадий Борисовичнинг меҳнат фаолияти ҳақида эмас, ажойиб инсоний фазилатлари ҳақида гапирмоқчиман. Унга рус тилида гапирсангиз ўзбекча жавоб қайтаради. Маҳаллий аҳоли билан жондош-қардош бўлиб кетган. Тўй-томоша, маъракалардан қолмайди.

Турли ҳашарларда ёшларга бош-қош. М. Ластовкин эса узоқ йиллар мобайнида район «Сельхозтехника» устахонасида ишлади. Яқинда коллектив уни иззат-икром билан пенсияга узатди. Бундай эътиборга Михаил Кириллович — ҳамкасблари тили билан айтганда — Михаил бобо ўзининг фидокорона меҳнати, одамийлиги, ёшлар техника сирларини қунт билан ўргатиши орқали сазовор бўлган. Абдулҳамид Машарипов эса Навоий номли колхозда яшайди. Пенсия ёшида бўлишига қарамай, маккажўхорикорлик бригадасига бошчилик қилиб рекорд ҳосил етиштирмоқда. Ў ўзбекча, тожикча сўзларни аралаштириб камчиликларни аёвсиз танқид қилганда, фидокор одамларни ўзига хос шева билан боплаб мақтаганда ҳамиша одамлар олқишига сазовор бўлади. Андижонликларнинг ҳазилмутойибага ўчлигини биласиз. Баъзан катта-катта йиғилишларимиз ҳам аския билан тугайди. Одамларимиз кўпинча бир-бирини лақаби билан чақиришади ва бундан ҳеч ким хафа бўлмайди. Чунончи Дўлон қишлоғида Турғунбой Ғаниевни «ўзбекларнинг уйғури» деб аташади. Уста пахтакор, Андижон область Советининг депутати Турғунбой ака бундан кўнгли ойимайди, аксинча, аскияга аския билан жавоб бериб дўстларининг кайфиятини чоғ қилади.

Гап байналмиллалик руҳи ҳақида бораётганлигини сезган бўлсангиз керак. Салкам юз минг аҳолиси бўлган районимизда ўн тўрт миллат вакиллари бир оила аъзоларидек аҳил яшаб, меҳнат қилишяпти. Байналмилал тарбия масаласи район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятида асосий ўрин тутади. Кейинги уч йил мобайнида миллатларнинг ўзаро дўстлигини мустаҳкамлаш масаласи район партия комитети пленуми ва партия хўжалик активи йиғилишида бир неча бор муҳокама қилинди. Аксарият хўжаликларда, аҳоли пунктларида дўстлик кечалари, «давра столи» теварагида учрашувлар, илмий-амалий конференциялар ўтказиб туриш одатга айланган. Бу тадбирлар миллатлараро муносабатлар ва алоқаларнинг яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Ҳозир идеология соҳасидаги иш услубига жиддий ўзгаришлар киритяпмиз. Илгари юқоридаги сингари тадбирлар расмиятчилик учун ўтарди, қуруқ назарий гаплар, ҳаётдан ажралган фактларни қайтариш одат эди. Эндиликда бу борада маҳаллий фактларга кўпроқ эътибор беряпмиз. Учрашув ва суҳбатларга байналмилал оилалар таклиф этиляпти. Чунончи, район партия комитети Орозий қишлоқ Советидан Ахтем Абибуллаев, Маслаҳат қишлоқ Советидан Ғуломжон Сиддиқов, Жалабек қишлоқ Советидан Нажотбек Бурундиков оилаларининг турмуш тарзини пухта ўрганиб, бошқаларга ибрат қилиб кўрсатмоқда. Никоҳ ва тўй маросимларида ана шундай пиру бадавлат, байналмилал оила вакилларига сўз бериляпти.

Яқинда район марказида «Кўча байрами» ўтказдик. Наврўзга ўхшаб кетадиган бу халқ сайлини мусофақадошимиз — қардош Қирғизистон ССРнинг Бозорқўрғон районидан ўрганиб келдик. «Кўча байрами» кунида районда яшовчи ҳар бир миллат вакили миллий кийимида сайрга чиқиб, ўз санъати, маданияти ва миллий таомларини намойиш этди. Байрамда қардош Қирғизистон, Қозоғистон республикаларидан келган меҳмонлар ҳам қатнашдилар. Шу йилнинг август ойида районимиздаги барча қишлоқларда ҳам ана шундай дўстлик сайллари ўтказишни планлаштирганмиз. Бу сайллар анъанавий ҳосил байрамига уланиб кетади.

Меҳнат аҳлининг байналмилал бирлиги қардош республикалар ва областлар мусофақасини авж олдириб, фан-техника ютуқлари ва илғор тажрибалар умумхалқ мулкига айланишида ўз ифодасини топмоқда. Областимиз пахтакорлари кўп йиллардан бери қўшни Ўш области деҳқонлари билан мусофақалашиб келишади. Районлар ўртасида ҳам ана шундай алоқалар ўрнатилган. Олтинқўлликлар Ўш областининг Бозорқўрғон, Хоразм областининг Хонқа области меҳнаткашлари билан тажриба алмашиб туришибди. Мустаҳкам дўстлик, ўзаро ёрдам мусофақадош районлар меҳнаткашлари ўртасидаги муносабатларнинг негизи бўлиб қолди.

Социал масалаларни ҳал қилишда ҳам дўстликнинг кучига таяняпмиз. Бу соҳада РСФСРнинг Тюмень области меҳнаткашлари билан ўрнатилган алоқаларимиз кун сайин мустаҳкамланяпти. Свердлов номли колхоз деҳқонлари тюменликларга сабзавот ва мева юбориб, улардан қурилиш материаллари олишяпти.

Лекин бу билан барча муаммоларни ҳал қилиб бўлмайди, албатта. Фарғона областидаги мавжуд социал-ижтимоий муаммоларнинг аксарияти бизнинг районимизга ҳам хосдир. Аҳолини уй-жой билан таъминлаш, озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш, ишга яроқли ҳар бир кишини ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш ўта жиддий ва долзарб масалалардан. Район партия, совет органлари ер ресурслари чекланганлигига қарамай, 1990 йил охиригача якка тартибда уй-жой қуришни ҳоҳловчи барча оилаларни томорқа билан таъминлаш чораларини кўраётир. Ўтган икки йил мобайнида ана шундай мақсадларда аҳолига 82 гектар ер бўлиб берилди ёки 1762 оила томорқа билан таъминланди. Шу йил охиригача яна 1064 оилага уй қуриш учун имконият яратиб берилади. Халқ истеъмоли буюмлари ва трикотаж газламалари фабрикаларининг кенгайтирилиши район саноатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиш билан бирга, 1200 йигит ва қизларни иш билан таъминлаш имкониятини яратади. Шунингдек қишлоқларда мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш цехлари ва бошқа тармоқларни ҳам бунёд этяпмиз. Шу йилнинг ўзида Свердлов номли колхознинг 34 нафар, «Коммуна» колхозининг 24 нафар аъзоси эртаки сабзавот етиштиришни йўлга қўйиш ҳисобига доимий иш билан таъминланди. Бироқ райондаги ишга яроқли аҳолининг 8,5 минг нафари доимий иш билан таъминланмаган. Шу боис бу масалани республика, Иттифоқ органлари олдига қўймоқдамиз.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқида: «...миллатидан қатъи назар, ҳар бир киши мамлакатнинг исталган қисмида ўзини тенг ҳуқуқли ғраждан деб ҳис этиши, СССР Конституциясида гарантиялаб берилган барча ҳуқуқлардан фойдаланиш учун имкониятга эга бўлиши зарур», деди. Район партия, совет ташкилотлари ана шу ғояни халқнинг онгига сингдириш учун курашяпти.

Ф. РАҲИМОВА,
Андижон область, Олтинқўл район партия комитетининг биринчи секретари.

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ ИНОБАТГА ОЛИНДИ

Республика ҳукуматининг қарорига мувофиқ Фарғона областида барпо этилаётган Сўх сув омборн қурилиш тўхтатилиб, иншоотнинг тикланган қисмидан бошқа мақсадда фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Бу қарор неча йиллардан буён жамоат ташкилотларининг йиғилишларида, шунингдек, матбуот саҳифаларида Фарғона области, бутун водий учун 350 миллион кубометр сиғимли улкан сув иншоотн қуриш зарурати йўқлиги ҳақидаги фикрлардан сўнг қабул қилинди.

Мабодо аввалги лойиҳа амалга оширилиб, Сўх дарёси ўзанидаги бутун гўзал табиат ўзгариб кетиши, 3 минг киши яшаб турган уйлар, ҳосилдор далалар, аждодлар пешона тери билан тоғ ёнбағирларидан ўзлаштирган 1600 гектарга яқин унумдор ер сув остида қолиб кетган бўлур эди.

Сўх сув омборини лойиҳалаштирган олимлар қандай «асос»ларга таянишганн ҳануз тушунарсиз. Мабодо, шу қурилиш охирига етказилса, республика бюджетидан 104 миллион сўм ҳавога учиб кетарди.

Суратларда: ана шу мақсадларда тупроқ ташиб, тўғонни мустаҳкамлаш ишлари (пастда) акс эттирилган. Юқорида — бульдозерчи Қ. Қамбаров.

В. Миленький сурати (ЎзТАГ).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«Сувчи касби ардоққа муҳтож»

Газетанинг шу йил 30 июнь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада сув манбаларидан оқилқорлик билан фойдаланиш хусусида баъзи мулоҳазалар билдирилган эди.

Ушбу мақола юзасидан **ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ**дан олинган расмий жавобда, шундай дейилади:

— Мақола давлат комитети мутахассислари томонидан диққат билан ўрганиб чиқилди. Унда кўтарилган қатор муаммолар ва уларнинг ҳал этилиши борасидаги фикрлар, умуман тўғри, деб топилди.

Айниқса, сув ресурсларидан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш, суғоришнинг такомиллашган, сувни кўп иқтисод қилиш имконини беруви усулларини кенг жорий қилиш, бунинг учун эса ҳозир мавжуд бўлган суғориш ва зовур тармоқларини, гидротехник иншоотларни ҳар томонлама ва тўбдан реконструкция қилиш ишларининг ҳажмини ошириш тўғрисидаги таклиф ва мулоҳазалар диққатга сазовор.

Айни пайтда комитет томонидан республикада суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, сувдан самарали фойдаланиш ва суғоришни такомиллашган усулларини кенг жорий қилиш учун 1989-1990 йилларга, ўн учинчи беш йилликка мўлжалланган комплекс программа ишлаб чиқилиб, амалга оширилябти.

Фақат 1989-1990 йиллар мобайнида республикада ҳаммаси бўлиб 200 минг гектардан ортиқ ернинг ҳолати тубдан яхшиланади, 217 минг гектар ерда суғоришнинг янги ва такомиллашган усуллари қўлланилади. Айниқса, ёмғирлатиб ва томчилатиб суғориш усуллари, эгилувчан турли қувурларни қўлланиш кенг жорий қилинади.

Область ва районларда янгидан ташкил қилинган ишлаб чиқариш бирлашмаларимиз мавжуд бўлган суғориш ва зовур тармоқларини, сув кўтариб берувчи мосламаларни ўз пайтида етарлича жорий ва тубдан ремонт ишларини бажаришни таъминлаб турибди.

«Совет Ўзбекистон» газетаси саҳифаларида босилаётган ана шундай мазмундаги мақолалар сув хўжалиги тармоқлари томонидан бажарилаётган ишлар, бу борадаги муаммолар ва уларни ечиш йўллари тўғрисида кенг жамоатчиликда тўғри, фикр туғдиради.

• Муҳаррир минбари

ДЕҲҚОННИНГ ДАЛА ҲОВЛИСИ

Асад кирган бўлса ҳам иссиқ пасайгани йўқ. Далаларда ишлар авжида. Ана шундай кезларда деҳқоннинг баракали меҳнат қилиши ва ҳордиқ пайтида яхши дам олиши учун дала шийпонида барча зарур шароитларни яратиб бериш, айниқса муҳимдир.

Механизатор ва оддий пахтакорлар, сабзавоткорлар учун дала шийпонлари мавсум охиригача иккинчи уй бўлиб қолади. Октябрь районидаги «Уч қаҳрамон», Охунбобоев номли, Собир Раҳимов номли совхозлар, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози ва бошқа бир қатор хўжаликларнинг раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари бу ишнинг аҳамиятини чуқур ҳис этиб, дала шийпонларини ҳақиқий ҳордиқ масканларига айлантиришган. Бу ерда дам олиш хоналари, ошхона, сотувчисиз магазинлар, кўчма медицина пункти ташкил этилган. Болалар боғчалари ишлаб турибди. Спорт майдонлари, кутубхона бор, телевизор кўриш, радио эшитиш мумкин, газета ва журналлар вақтида етказиб берилмоқда. Бадиий ҳаваскорлик ансамбллари навбати билан концерт қўймоқдалар. Москва районидаги «Правда» колхозининг Фозилжон Иброҳимов бошлиқ бригадасида эса шийпон ёнидаги томорқа, теплица, паррандачилик фермаси дала меҳнатчиларини ҳар кунн бепул иссиқ овқат билан таъминлаш имконини бермоқда.

«Дала шийпонлари қуриш, уларни жиҳозлаш ва атрофини ободонлаштириш учун сарфланган харажатлар ўзини тўла оқламоқда, — деб ёзади редакцияга Сирдарё районидаги «Ленинград» колхози раиси Қ. Сиддоров. — Одамлар овқатланиш учун уйларига қатнамай, шу ерининг ўзида ҳордиқ чиқариб, унумли меҳнат қилишяпти. Ғўзалар ривожи ана шу самарали меҳнат натижасидир».

Афсуски, бригадаларда кўз-кўз қилиш учун дабдабали шийпонлар қуриб қўйиб, ҳамма иш шу билан битди, деб ўйлаётган ёки садақайрагоч ва толининг соясига шолча тўшаб, шуни «дала шийпони» деб ҳисоблаётган хўжалик раҳбарлари ҳам бор. Ҳазорасп, Янгиариқ, Дўстлик, Янгиер районларидаги бир қатор колхоз ва совхозларнинг бригадаларида пешинда иссиқ овқат тайёрланаётгани йўқ. Меҳнатчилар белбоққа тугиб келган нонларини тамадди қилишга мажбур бўлишяпти. Бундай эътиборсизликни кишиларга нисбатан ҳурматсизлик, уларнинг меҳнатини назар-писанд қилмаслиги дебгина баҳолаш мумкин.

Бу ўринда ҳеч қандай баҳона колхоз, совхоз ва райондаги хизмат кўрсатиш ташкилотлари раҳбарлари масъулиятсизлигини оқлай олмайди. Район партия ва совет ташкилотлари бу муҳим ишга зудлик билан аралашишлари даркор. Айниқса савдо ва маиший хизмат, соғлиқни сақлаш, маданият тармоқлари раҳбарларидан дала меҳнаткашларига хизмат кўрсатишда район Совети ижроия комитетида тасдиқланган планларга қатъий риоя қилишларини талаб этиш керак.

Партия ва касаба союз ташкилотлари далада ишлаётган кишилар ўртасида сиёсий-тарбиявий иш олиб боришни сира ҳам назардан қочирмасликлари зарур. Экин парваришн кучайган, ҳар бир дақиқа ғаниматт бўлиб қолган ҳозирги пайтда дала шийпонлари коллектив ўртасида ташкилий-тарбиявий ишлар олиб борладиган марказ, лекторлар, агитатор ва сиёсий ахборотчилар суҳбат ўтказадиган жой бўлиб қолади.

— Шу кунларда дала шийпонларн пропагандистларимизнинг доимий иш жойи бўлиб қолди, — деб ёзади Ғағарин районидаги «Янгиобод» совхози партия комитети секретари Ш. Мирзаев. — Ҳар беш кунда бир марта мусобақа якунлари ҳам шу ерда чиқариляпти. Кишилар пешин пайтида сиёсий ахборотчилардан совхоз бўйича меҳнат якунларини, янгиликларни эшитмоқдалар. Шу ерда меҳнат ғолибларини шарафлаб қизил байроқ кўтариляпти, илғорларга бағишлаб «Жанговар варақа»лар чиқарилмоқда. Чунки одамларни сафарбар этишда ошкораликкка хизмат қилувчи ана шу тадбирларнинг ҳам роли катта.

Ҳамма ерда хўжалик раҳбарлари, партия, касаба союз ташкилотлари дала шийпонларини деҳқоннинг ҳақиқий дала ҳовлисига, оммавий-сиёсий ва маданий-тарбиявий ишлар марказига айлантириш учун ғамхўрлик кўрсатмоқлари зарур.

ЯНГИ ФОНД ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Москвада янги жамоат ташкилоти — халқ дипломатияси фонди таъсис этилди. Совет жамоат, давлат, кооператив ва акционерлик ташкилотлари ҳамда чет эл фирмалари фондни таъсис этдилар.

Фонд ноҳукумат йўли билан сиёсий ва инсоний алоқаларни ривожлантиришни, ижтимоий тараққиётнинг илғор технологияларини жорий этиш соҳасидаги ижобий тажрибаларни ўрганишни, фонд аъзолари таклиф этган ижтимоий программаларни амалга ошириш асосида ана шу тажрибадан фойдаланиш воситаларини вужудга келтиришни мақсад қилиб қўяди.

(ТАСС).

Газетхонлар билан мулоқот

Қашқадарё областининг Косон ва Деҳқонобод районларида «Совет Ўзбекистони» газетаси мухлисларнинг конференциялари бўлиб ўтди. Конференцияларда газета редактори ўринбосари Т. Нажмиддинов газетанинг жорий ишлари ва навбатдаги ижодий режалар тўғрисида батафсил гапириб берди, турли касбга мансуб газетхонларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Газетхонлар конференцияси жонли мулоқотга айланди. Жумладан, Косон районидаги Ленин номли совхоздаги учрашувда совхоз директори Мирзо Орзиев, «Гулдаста» болалар боғчаси тарбиячиси Пардахол Жумаева, ишчилар Гулнора Имомова, Оймома Хўжаназарова, Крупская номли мактаб директори Зубайдулла Эгамназаров, ўқитувчи Чорн Туйчиев, район партия комитетининг иккинчи секретари Эргаш Турсунқулов ва бошқалар газета материаллари мазмунидорлиги, таъсирчанлигини ошириш, қишлоқлардаги социал проблемалар, меҳнаткашларнинг турмуш маданиятини яхшилашга доир проблемалар тўғрисида кўпроқ материаллар бериш ҳақида фикр билдирдилар.

Шунингдек, Деҳқонобод районидаги конференцияда Усмон Юсупов номли совхоз партия комитетининг секретари Абдулла Худаёров, 246-механизациялашган кўчма колонна бошлиғи Ашур Тошматов, Улуғбек номли мактаб ўқитувчиси Муҳаббат Бобомуродова, марказий касалхона бўлим мудири Умида Мажидова, район партия комитети секретари Турди Эшонқулов ва бошқа газетхонлар сўз олиб, газета тематикасини янада яхшилаш, қишлоқда турмуш маданиятн, аҳлоқ-одоб, байналмилал тарбия, бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини ошириш, социалистик мусобақа ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш илғор тажрибаларини кенгроқ ёритиш хусусида таклифлар айтишди.

М. КАРОМОВ.

• Иқтисодий ислоҳот муаммолари

ЯНГИ АГРАР СИЁСАТДА

ЯНГИ аграр сиёсат партиямизнинг мамлакат аҳолиси турмуш даражасини оширишга мўлжалланган сиёсий йўлининг етакчи йўналишидир. Мамлакатда сиёсий ислоҳотнинг ғайрат билан амалга оширилиши йўлида озиқ-овқат муаммосини ҳал этишни чўзиб юборишга, агросаноат комплексининг жиддий орқада қолишига йўл қўйиб бўлмайди. Шу маънода агросаноат комплекси кам самара бераётганлигининг асосий сабаби — экономиканинг ана шу соҳасидаги ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатлардаги жиддий камчиликлар, иқтисодий рағбатлантириш тартибларининг бузилиши, қишлоқ хўжалиги ва саноат ўртасидаги ҳар жиҳатдан тенг алмашинувнинг илмий ва амалий жиҳатлари суст йўлга қўйилганлигидир.

Агросаноат комплекси ичидаги камчиликлар Ўзбекистон пахта комплекси мисолида айниқса, яққол кўринади. Республика экономикасининг аграр секторидаги қайта қуриш ўн иккинчи беш йиллик планининг илдан чиққан тузилишига дуч келди, яъни, пахта ишлаб чиқариш миқёслари имконият даражасидан анча юқори эди. Шу сабабли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тузилиши илмий асосланган деҳқончилик тартибини жорий этишни таъминлай олмади. Комплексдаги иқтисодий ислоҳот — нохуш ҳолларнинг авж олганлиги, танҳо экин ва унинг оқибатлари чуқурлиги, барча даражадаги ходимларнинг бошқарувнинг янги методларига тайёр эмаслиги билан янада мураккаблашиб кетди. Бундан ташқари, планлаштиришда колхозлар, совхозлар ва қайта ишлаш корхоналарининг ташаббуси билан мустаҳкамланмаган эски планлаштириш усулларининг сақланиб қолиши беш йилликнинг дастлабки уч йилида самарадорликнинг пасайишига асосий сабаб бўлди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки кунлариданоқ регион пахта етиштириш бўйича хом ашё базаси сифатида ривожланди, тайёр маҳсулот чиқариш даражаси жуда паст бўлди. Ўша вақтларда бу ҳол тўқимачилик корхоналари мавжуд эмаслиги ва уларни ривожлантиришга маблағ йўқлиги билан изоҳланди. Шундан кейинги йилларда тўқимачилик саноати ривожлана бошлаган бўлса-да, пахтачиликни ривожлантиришнинг устун даражадаги суръатлари асосан мамлакатнинг пахта мустақиллигини таъминлашга қаратилди. 1932 йилда мамлакатимиз пахта мустақиллигига эришди. Ўша йили Ўзбекистон 1 миллион гектардан ортиқ ерга чигит экиб, 804 минг тонна пахта тайёрлади.

Пахтачиликнинг ривожланиши қишлоқ хўжалиги машинасозлигининг, химия, пахта тозалаш, ёғ-мой саноати сингари қайта ишловчи тармоқларнинг ривожланишига олиб келди. Бу саноат корхоналари асосан шаҳарларда жойлаштирилди. Буларнинг ҳаммаси шаҳар аҳолиси ҳисобига республика умумий аҳолисининг ўртача фаровонлигини ошириш кўрсаткичи учун маълум даражада шарт-шароит яратди.

Шундан кейин пахта етиштиришни планлаштириш экин майдонини кўпайтириш — экстенсив ривожланиш ҳисобига ва эришилган даражага қараб амалга оширила бошлади. Орол денгизи хавзасида экологиянинг бузилиши ва мавжуд илмий ечимлар эътиборга олинмаганлигидан шу ҳол юз берди. Ўзбекистон тараққиётини, айниқса, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни планлаштиришнинг дастлабки босқичларида кўрсаткичлар аввало, республика ташқарисидаги корхоналарни тола билан таъминлаш мақсадида етиштирилган пахтага қараб белгиланди. Ўзбекистон мамлакатимиз ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар учун пахта базасига айланди.

Умуман олганда республика пахта комплексида юзага келган аҳвол ҳақида кўп гаплар айтилди ва кўп ёзилди. Кўпчиликнинг бутун диққат-эътибори республикани социал-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳақиқий жараёнларига қаратилаётган ҳозирги шароитда бу борада бирор бир тавсия бериш анча қийинлашиб қолди. Амалиётчи иқтисодчиларнинг ҳаммаси юзага келган нохуш ҳолларни изоҳлаб беришга, уларнинг сабабларини тушунтириб беришга, иқтисодий баҳо беришга уринмоқдалар. Айни вақтда уларнинг ҳар бир хулосаси мунозарали бўлиши мумкин. Шундай бўлса-да, уларнинг ҳаммаси бир масалада якдилдирлар. Республика пахта комплексидаги иқтисодий аҳволнинг таҳлили (ўн иккинчи беш йилликнинг уч йили ичидаги аҳвол) табиий-иқтисодий имкониятлардан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги иқтисодий ривожланишнигина эмас, балки социал ривожланиш билан ҳам боғлиқдир. Пахта комплексининг ривожланиши шу давр ичида умуман агросаноат комплексининг қониқарсиз ривожланишидан ҳам орқада қолди. Гап нимада?

ХАЛҚ депутатларининг биринчи съезди кўрсатганидек, мулоҳазаларнинг очиқ-ойдин билдирилиши, сиёсий активлик мазкур комплексдаги зиддиятларнинг иқтисодий асосларини чуқур очиб бермоқда. Бунинг сабаблари бизнингча, қуйидагилардадир: **биринчидан**, азалдан суғориб келинаётган ерларда чигит экиладиган майдонлар кўпайтирилиб, регионнинг экологик ҳолати ҳисобга олинмади; **иккинчидан**, пахтачиликни ривожлантириш ўсиб бораётган меҳнат ресурсларидан фойдаланишни ҳисобга олмасдан амалга оширилди. Чунки кўп йиллар давомида пахта толасини қайта ишлаш 7—9 фоиз даражасида қолиб, мамлакатнинг марказига иқтисодий боғлиқлик принципи сақланиб қолди. **Учинчидан**, агросаноат комплекси ғузилаётган пайтда пахта комплексининг ташкилий-бошқарув структураси унинг хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда ишлаб чиқилди; **тўртинчидан**, бу комплексдаги интеграция ҳали ниҳоясига етказилмай, юзаки характердалигича қолиб келмоқда; **бешинчидан**, янги иқтисодий фикрлаш ҳақида кўп гапирилди, лекин асосий масала ҳал этилмаганлигидан, манфаатларнинг бирлиги ва бир-бирига мувофиқ келиши таъминланмаганлигидан ҳозирга қадар бирор бир ижобий натижага эришилгани йўқ.

Бир мисол келтирайлик. Пахта тайёрлашнинг умумий ҳажмида тўртинчи сорт 16—20 фоизни ташкил этади. Уни теришга харажатлар жами харажатларнинг учдан бир қисмига боради. Ана шу ҳажмда пахта тайёрлаш суръатларини таъминлаш учун хом пахтани теришни ҳам муайян ҳиссани ташкил этади. Нима учун шундай бўлмоқда? Агар пахтакор ўз ерининг ҳақиқий хўжайини бўлганида бундай ҳолларга асло йўл қўймаган бўлур эди.

Бизнингча, мамлакат агросаноат комплекси бўйича сўнгги вақтларда қабул қилинган кўпгина ҳукумат қарорлари пахта комплекси хўжалик механизмини ўзгартиришга жумладан, пахта етиштирувчилар ва уни истеъмол қилувчилар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларга кам дахлдор бўлди. Бошқарувдаги маъмурий буйруқбозлик усули янги шароитларга мослашиб, янада чалкаш тус олди.

Бу камчиликларнинг асослари бизнингча шундаки, биринчидан, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1986 йил март ойида қабул қилган «Мамлакат агросаноат комплексининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги 358-қарорига мувофиқ планлаштириш, ишлаб чиқариш маҳсулотларини тақсимлаш соҳасидаги агросаноат комплексининг асосий бўғинига берилган ҳуқуқлар пахта комплексига тўлиқ дахлдор бўлмади; иккинчидан, давлат агросаноатининг тузилиши пахта комплексидаги интеграция (иқтисодий ҳаётнинг ягона иқтисодий сиёсат асосида ўзаро боғланган ҳолда ривожланиш йўли) юзаки ўтказилди. Бунинг натижасида интеграциялаш жараёни ҳисобига янги сифатдаги қўшимча иқтисодий самара олинмади; учинчидан, юқорида кўрсатилган муаммолар ҳал этилмай туриб, бошқа томонга — хўжалик юритишнинг ҳамма босқичларидаги бошқарув тузилишида, ўзгаришлар қилишга ўтиб кетилди. Хуллас, буларнинг сабаби пахта ва унинг маҳсулотларига монополиянинг сақланиб қолишидадир. Шунинг учун, ҳозирги вақтда бошқарувдаги маъмурий буйруқбозлик методини маълум даражада танқид қилишнинг ўзи мазкур муаммони ҳал қилиб беради, деб ўйлаш нотўғри бўлур эди. Гап шундаки, маъмурий-бюрократик бошқарув тўрт йил ичида ўз аҳволини мустаҳкамлаш учун қарийб беш марта қайта қурилди. Ва пировард маҳсулотга қадар ҳар бир технология жараёнига ўтишда ўзининг монополия мавқеини сақлаб қолиш учун қўлидан келган ҳамма ишларни қилмоқда. Бугунги кунда пахтачиликка ва пахта тозалаш саноати системасига раҳбарлик қилаётганлар ўз қарорларининг иқтисодий оқибатлари учун жавоб бермаяптилар. Турғунлик йилларида шаклланган хўжалик юритиш методлари қайта қуришга асос бўлиб қолаверар экан, янги зиддиятлар келиб чиқиши муқаррар деган ҳақиқат тасдиқланмоқда. Пахта комплексида ўтган йилларда таркиб топган таҳлил ёрдамида қайта қуришни ривожлантиришнинг бундан кейинги босқичларини олдиндан айтадиган бўлсак, кутилган натижага эришиш амримаҳол. Катта миқёсда нохуш ҳолларни келтириб чиқарган зиддиятларнинг иқтисодий асоси шундаки, пахта комплекси ичидаги бўғинлар, халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ва умуман пахта комплекси ўртасида ҳар жиҳатдан тенг бўлган алмашув таъминланмаган.

Ҳозирги вақтда давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун ва СССРда кооперация тўғрисидаги Қонунга мувофиқ колхозлар, совхозлар ва пахтачилик комплексининг қайта ишловчи корхоналарининг мустақиллиги тўғрисида кўп гапиряпмиз. Лекин ҳаммага маълумки, пахта ва унинг маҳсулотларига монополия ҳақидаги масалани ҳал этмас эканмиз, қуйи ташкилотлар у ёқда тур-

● ЯГОНА ОИЛАДА

МОСКВАДА ЎЗБЕКИСТОН ГЎШАСИ

Узбекистон тўғрисида янада тўлароқ маълумот олишни хоҳлайдиган москваликлар ва пойтахт меҳмонлари яқинда Тошкент, Самарқанд ёки Бухорога учиб боришлари шарт бўлмай қолади. Ўзбек халқининг миллий маданияти анъаналари, ўзига хос халқ ва профессионал юқодиёти, экономика, фан, техника тараққиёти сурьатлари билан танишишни хоҳлаган кишилар троллейбусда катта Полянка орқали «Ванда» магазинига қадар борсалар кифоя.

Бу ерда, кўчанинг нариги томонида, Ўзбекистон маданий ахборот ва савдо марказида уларга барча зарур ахборотни берадилар. Марказ республика ҳукуматининг қарорига биноан Москвада барпо этилмоқда. Москва шаҳар Совети пойтахтнинг марказий қисмида уни жойлаштириш учун бир неча бино ажратди.

Лойиҳада бир неча кўргазма зали назарда тутилган. Бу залларда доимий кўргазмалар — халқ усталари декоратив амалий санъати, безакчилик, монументал ижод билан шуғулланувчи рассомлар, ранг-тасвирчилар, график мусаввирларнинг замонавий профессионал бадиий ижодиёти кўргазмалари ташкил этилади. 300 ўринли киноконцерт залида атоқли маданият арбоблари, бадиий коллективлар ва ансамбллар билан учрашиш, Ўзбекистон киностудияларида яратилган янги бадиий ёки ҳужжатли фильмларни томоша қилиш мумкин бўлади. Хоҳловчилар учун кенг ва ёруғ қироатхона ҳам бор. У ерда Ўзбекистон классик ва замонавий ёзувчиларининг асарлари, вақтли нашрлар тўпланган. Ўзбек тилини ўрганиш синфини очиш мўлжалланган.

Шинам ва чиройли, шарқона услубда безатилган чойхонада дам олиш, бир пиёла хушбўй чой устида суҳбатлашиш, агар тушлик вақти келган бўлса, овқатланиш мумкин. Моҳир пазандалар бу ерга келганларга хилма-хил миллий таомларни меҳмондўстлик билан тақдим этадилар. Ўзига хос шарқий бозорда совға-салом буюмлари, халқ усталари яратган ашёлар, рассомлар чизган асарлар, ранг-баранг буклетлар бор.

Чет элга сотишга мўлжалланган молларни намойиш этиш учун яна бир махсус кўргазма зали очиш ҳам назарда тутилган. Бу залга келган хорижий фирмаларнинг вакиллари Узбекинторг ходимлари билан у ёки бу маҳсулотни сотиб олиш учун шартнома туза оладилар.

Москва шаҳри

М. ЖАЛОЛОВ.

(ЎзТАГ).



МОЛИ ТЎҚНИНГ, КЎНГЛИ ТЎҚ

Моли тўқнинг кўнгли тўқ, дейди халқимиз. Ҳақ гап. Дарҳақиқат мўл ва сифатли озуқа жамғарган чорвадор ҳеч қачон доғда қолган эмас. Доимо план ва мажбуриятларини ортиғи билан бажариб, эл-юрт дастурхонини тўкин бўлишига ҳисса қўшиб, олқиш олаверган.

Буни Наманган районидаги Оржоникидзе номли колхоз чорвадорлари фаолиятида яқ-қол кўриш мумкин. Хўжаликда пахтачилик билан бир қаторда чорвачиликка ҳам катта эътибор бериб келиняпти. Шу туфайли бу ерда говмишлар сути кўпайиб, бўрдоқилар этига эт қўшилмоқда. Натижада чорвачиликнинг рентабеллик даражаси муттасил ошиб бораётир.

Колхозда пахта-беда алмашлаб экишни тўла ўзлаштирилган. Қарийб 200 гектар ерда тўйимли ва ширали озуқа ҳисобланган беда ўстирилмоқда. Гектарлар самарадорлигини ошириш ва озуқа сифатини яхшилаш мақсадида бедазорлар пудратчи звеноларга бўлиб берилган. Пудратчилар ҳосил етиштиришда тўла мустақилдирлар. Хўжалик раҳбарлари энди деҳқонларга экинни қачон озиқлантириш, қачон суғориш, қачон ўриб-йиғиб олиш ҳақида буйруқ беришмайди. Агар зарур бўлса, малакали ёрдам кўрсатишади. Техника, ўғит, сувни ўз вақтида етказиб беришади.

Пудратчилар фермага қанча мўл ва сифатли ҳосил етказиб беришса моддий манфаатдорликлари ҳам шунча юқори бўлади. Шунинг учун ҳам мавжуд 8 та пудратчи бедачилик звеноси аъзолари оқилона иш тутиб, ниҳоятда борича кўпроқ озуқа олишга ҳаракат қилишяпти. Мардона меҳнат натижаси салмоқли бўлмоқда. Колхозда ҳозирга қадар жамғарилган 1400 тонна хашакнинг 800 тоннасини беда пичани ташкил этади.

Айни кунларда бедазорларда иш қизғин. Мирришкорлар беданинг учинчи ўримини уюшқоқлик билан олиб боришаётир. Бу йил тажрибали деҳқон Абдували Юсупов бошлиқ звено далаларида ҳосил, айниқса, баракали бўлди. Звено коллективи 28 гектар бедазорнинг ҳар гектаридан 120 центнердан беда пичани олишга муваффақ бўлишди. Ҳозир учинчи ўрим тугалланиш арафасида.

Суратларда: 1. Звено бошлиғи А. Юсупов комбайнчи Д. Утанов билан. 2. Колхоз бош агрономи И. Омаллаев ҳосил чўғидан мамнун. 3. Беда ўрилмоқда.

В. Молгачев суратлари.

Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги Қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

Давр руҳига монанд

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Тиллар тўғрисидаги қонуни лойиҳаси матбуотда эълон қилиниши ва халқ муҳокамасига қўйилиши — ошкоралик ва демократиянинг амалдаги кўриниши, шунингдек, ҳуқуқий давлат юзага келаётганидан далолат. Лойиҳа, умуман олганда, талабга жавоб беради. Бироқ шунга қарамай, баъзи эътирозли ўринлар ҳам мавжуд.

IV бобнинг 12-моддасида қуйидаги фикрни ўқиш мумкин: «Раҳбар муомала ва ахборот тили сифатида ўзбек тилини ёки рус тилини қўллаши мумкин». Маълумки, кўп раҳбарларимиз ўзбек тилини билишмайди. Демак, бу модда уларга олдин қандай муомала қилишган бўлса, шундай муомала қилишларига йўл очиб беради. Бу ҳол қонун кучга киргач, ҳеч нарса ўзгармаслигининг белгисидир. Шундан келиб чиқиб, мазкур моддадаги фикр қуйидагича бўлишини таклиф қиламан: «Раҳбар муомала ва ахборот тили сифатида биринчи навбатда давлат тили — ўзбек тилини қўллаши шарт. Бошқа миллат ва миллий гуруҳлар вакиллари билан бўлган муомалада рус тилини қўллаши мумкин». Ушбу бобнинг 13-моддасидаги «Ўзбекистон ССРдаги муассаса, корхона ва ташкилотларда ҳужжатлар ўзбек ва рус тилида ёзилади», деган жумлани қуйидагича ўзгартиришни таклиф қиламан: «Ўзбекистон ССРдаги муассаса, корхона ва ташкилотларда ҳужжатлар ўзбек тилида ёзилади, зарур бўлганда рус тилига таржима қилинади». Худди шундай фикрни 15-модда хусусида ҳам билдираман.

Шунингдек, 39-моддадаги «Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги қонуни босқичма-босқич жорий этилади» деган фикрга ҳам қўшилиб бўлмайди. Яхшиси, маълум бир муддат белгилаб, қонунни кучга киритишни маъқул деб биламан.

Ҳ. КАРИМОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

Мулоҳазали ўринлар кўп

Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги Қонуни лойиҳаси орзумизнинг ушалишида муҳим восита бўлди. Чунки ўз маданияти, тили, миллий урф-одати учун қайғураётган ўзбек халқининг дилидаги гаплар рўёбга чиқадиган пайт келди.

Бироқ лойиҳада мунозараталаб ўринлар жуда кўп. Ўзбек тилига давлат мақоми бериш тўғрисида бир неча ойдан бўён ёзувчилар, олимлар, меҳнаткашлар томонидан матбуот орқали билдирилган фикрлар ҳали тўла ҳисобга олинмаганга ўхшайди.

4-боб 14-моддадаги **«Ўзбекистон ССРдаги муассаса, корхона ва ташкилотларда ҳужжатлар ўзбек тилида ва рус тилида ёзилади»**, 14-моддадаги **«Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ёзишмаларда шунингдек, ўзаро ёзишмаларда республиканинг муассаса, корхона ва ташкилотлари ўзбек тилини, зарур бўлганда эса рус тилини қўллайдилар»**, 15-моддадаги **«Ўзбекистон ССРдаги корхона ва муассаса ташкилотларда ҳисоб-китоб, статистика ва молия ҳужжатлари ўзбек тилида ва рус тилида ёзилади»**, деган жумлалардан яна икки тиллиликни тавсия этмайдими?

Иброҳим ДОНИШ.

Бизнинг таклифларимиз

5-моддага аниқлик киритилиб, **«Қорақалпоғистон АССР да давлат тили — қорақалпоқ тили»** деб белгиланса.

8-моддаларнинг охирида «хизмат қўрсатиш ходимлари давлат тили — ўзбек тилини билишлари шарт», деган жумладан сўнг уларнинг ўзбек тилини ўрганишлари учун зарур бўлган энг қисқа муддат белгиланса.

19-модда **«Ўзбекистон ССР давлат арбитражи органлари муассаса, корхона ва ташкилотлар ўртасидаги хўжалик низоларини Ўзбекистон территориясида ўзбек тилида, республика ташқарисида икки томон учун мақбул бўлган тилда қараб чиқадилар»** деб тўлдирилсин.

21-моддани **«Ўзбекистон ССР гражданлик ҳолатидаги ўзгаришларни қайд этиш органларида ҳужжатлар ўзбек тилида ва мурожаат қилувчи миллат танлаган тилда ёзилади»** деб тузатиш керак.

24-моддадаги «Эски ўзбек ёзуви» жумласи **«қадимий ўзбек ёзуви»** деб алмаштирилсин. Махсус мактабларда қадимий туркий тилни ўқитиш ва керакли моддий имкониятлар яратишни йўлга қўйиш билан боғлиқ бўлган масалалар Халқ таълими ва Маданият министрлигига юклатилсин.

27-модда **«Ўзбекистон ССРда илмий иш тили давлат тилида, илмий даража олиш учун илмий ишни ўзбек тилида тақдим этиш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқи таъминланади, бошқа миллат вакиллари тилларининг ривожланишига боғлиқ бўлган илмий ишлар тегишли иттифоқдош ва автоном республикаларда ёқланиши таъминлансин. Кам сонли миллат вакилларининг ўз тилларининг ривожланиши тўғрисидаги илмий ишлар хоҳишларига кўра истаган республикада ёки хорижий давлатда ёқлаш имконияти яратилсин»** деган қўшимчалар тўлдирилсин.

28-моддага «ўзбек тилида телекўрсатувлар сони оширилсин, бир программада кўрсатув фақат ўзбек тилида олиб борилсин», деган сўзлар қўшилсин.

30- модда қуйидагича ёзилсин деймиз: **Ўзбекистон ССРда шаҳарлар, қишлоқлар, майдонлар, маҳалла, кўчалар ниёбонлар, маданий дам олиш жойлари, театрлар, кинотеатрлар, ўқув билим юртлари, мактабгача тарбия муассасалари, пионер лагерлари, корхона ва ташкилотлар номлари ўзбекча атама ва номлар билан юритилиши белгилансин. Бебошлик билан ўзгартирилган жойлардаги атамалар ва ўринсиз қўйилган номлар бекор қилиниб, асл номлари тиклансин. Зарур бўлган жойларда рус тилида ва миллий гуруҳлар тилида ёзилсин».**

34-модда **«Ўзбекистон ССРда почта, телеграф хабарлари ўзбек тилида ёки бошқа миллат вакиллари таплаган тилда, республикадан ташқаригa жўнатилётганда эса мурожаат этувчига қулай бўлган тилда расмийлаштирилади»** деган жумла билан алмаштирилиши керак.

У. СУЛАЙМОНОВ,
М. МИРЗААҲМЕДОВ,
А. МИРЗАЕВ,
Бўстонлиқ районидаги 11-ўрта мактаб ўқитувчилари.

Тил билган эл билади

Тошкент шаҳар Чилонзор районидаги «1-Қатортол» маҳалласида бўлиб ўтган аҳолининг умумий йиғилиши қатнашчилари мазкур Қонун лойиҳасининг ижобий томонларини гапириб, ўзбек халқи тарихида муҳим сиёсий воқеа содир бўлаётганлигини таъкидлашди. Шу билан бирга Қонун лойиҳасига баъзи ўзгартириш ва таклифларни киритдилар.

9-моддаларнинг биринчи қисмидаги **«қонда тарқасида»** деб ёзилган сўзлар чиқариб ташланса мазкур модда мазмунан тўлиқ бўларди.

12-моддадаги **«ахборот тилини тобе ходим танлайди»**, деган сўзлар чиқариб ташланса, мазкур моддаларнинг қуввати янада ортади.

27-моддага диққат билан чуқурроқ назар ташланса, унинг саёз эканлиги сезилиб туради. Уни қайта ёзганда ўзбек тили давлат тили эканлигини эътиборга олинишини истаймиз.

39-модда **«Ўзбекистон ССРнинг тиллар тўғрисидаги қонуни босқичма-босқич жорий этилади»** деб ёзилган жумлаларни ўзгартириб унга аниқроқ муддат белгилансин. Йиғилиш қатнашчиларининг фикрича, тиллар тўғрисидаги комиссия аъзолари бу қонун лойиҳасини шошилинч ёзганлар. Қонун лойиҳасида мунозарали ўринлар кўп.

Йиғилишда қатнашган 74 киши номидан: **Умаржон ОДИЛОВ, Сотволди ДАДАБОЕВ.**

ХУШХАБАРЛАР

● «Фарғона» колхозида Тошлоқ тикувчилик фабрикасининг филиали — тикувчилик цехи ишга туширилди. Хўжалик правленнеси цехга ажратган бўш бинони қайта жиҳозлагунларича М. Аминжонова бошчилигидаги тажрибали мураббийлар ёш колхозчи хотин-қизлардан 40 кишига янги касб ўргатдилар. Улар ҳозирнинг ўзидаёқ дастлабки буюртмани бажардилар — колхоз болалар боғчалари ва яслилари учун туркум кийим-бошлар ва сочиқлар тикдилар. Йил охиригача цехда ишчилар сони икки баравар кўпаяди.

● 12 километр узунликдаги янги асфальт йўл қадимий Дардақ қишлоғини Қўрғонтепа район маркази билан, у орқали эса Андижон—Жалолобод автомобиль йўли билан боғлади. Эндиликда ён-атрофдаги хўжаликларнинг деҳқонлари полиз, сабзавот, мева ва узум ҳосилини тайёрлов пунктлари ва бозорларга илгаригига қараганда икки баравар қисқа йўлдан олиб боришлари мумкин. Объектни область автомобиль йўллари бирлашмаси муддатидан илгари фойдаланишга топширди. Айни пайтда Маъмуробод қишлоғи ва Бўстон посёлкасига олиб борадиган йўллар қурилди ва реконструкция қилинди. Йил бошидан бери Андижон областида 35 километр янги йўл ётқизилди, декабрь ойигача яна 25 километр йўл қурилади.

● Жумуртов, Қорақалпоғистон станциясида истиқомат қилаётган ишчилар темирйўлчилар куни олдидан ҳар бири икки квартирали учта уй олдилар. Бу уйларни Туркманистоннинг 388-қурилиш-монтаж поезди бинокорлари бунёд этдилар. Улар ишни планда белгиланган аниқ муддатда уддаладилар. Йил охиригача инерт қурилиш материалларни корхонаси жойлашган Жумуртовда яна иккита шундай икки қаватли уйни фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

● Поезд жўнаб кетишидан бир кун илгари билет сотиб олиш тошкентлик пассажирлар учун ҳамиша қийин муаммо бўлиб келган. Вокзалолди майдонидаги «Локомотив» меҳмонхонасининг биринчи қаватида янги касса зали очилиши билан бу муаммони ҳал этиш анча осон бўлиб қолди. Барча йўналишларга билетлар сотилмоқда. 20 та кассанинг ҳаммаси кассирлар билан таъминланса яхши бўлур эди...

(ЎзТАГ).

ПАХТАНИНГ ЎРНИ

син, ҳатто агросаноат комплекси район, область бўғинларининг мустақиллиги тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунончи, пировард маҳсулотга қараб ҳар бир технологик жараёнда меҳнатга баҳо бериш системасининг ҳар жиҳатдан тенг алмашуви йўқ экан, айрим корхоналарни тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиш, уларнинг хўжалик ҳисоби мустақиллиги таъминланмайди. Бу эса юқори самарали меҳнатни рағбатлантириш системасининг амал қилишига путур етказади, хўжалик раҳбарлари учун боқимандачилик кайфиятини туғдиради. Масалан, яқингача пахта етиштирувчи колхозларга берилган мустақиллик ва манфаатдорлик ҳуқуқи совхозлар ва пахта заводларига тааллуқли эмас эди. Ваҳолонки, планлаштириш за маҳсулотлар реализация қилиш соҳасидаги бу ҳуқуқлар пахта етиштирувчи колхозлар томонидан амалда тўла фойдаланилмаётир. Нима учун шундай бўлмоқда? Иқтисодий механизм системаси йўқлиги жиҳатидан пахта толасига давлат буюртмасини тўла ҳажмда жойлаштириб бўлмаётир. Шундай қилиб, бу муаммони ҳал этиш ҳам пахта комплекси маҳсулотига монополияни бекор қилишдан иборат. Мулкий ва хўжалик юритиш системалари турлича бўлган пахта етиштирувчи хўжаликларга шундай иқтисодий шароит яратиб бериш керакки, улар мамлакат эҳтиёжини қондирадиган ҳажмда пахта етиштириш планларини ўзлари белгилашлари керак. Ҳозирча эса планлаштириш юқоридан кўрсатма асосида олиб борилиб, бошқариш системаси ҳам баъзан юқоридан шакллантириб берилмоқда. Ваҳолонки, бошқарувнинг ҳар қандай органи мавжуд бўлиши унга бўлган эҳтиёж қуйидан бўлган талабга жавоб берсагина ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш манфаатлари билан боғлиқ бўлсагина ўзини оқлаши фан томонидан исботлаб берилган.

ШУНИ АЙТИШ КЕРАККИ, пахта комплексида маъмурий-буйруқбозлик усулининг ўта яшовчанлиги кўп жиҳатдан етилган муаммоларни ҳал этишнинг чала-чулпалиги билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Очиғини айтганда, жамият, регион, коллектив ва шахс манфаатларининг бирлиги ва уларнинг бир-бирига мос келишини таъминловчи муаммолар комплекс кўриб чиқилаётгани йўқ.

Ўтган тўрт йил ичида республика агросаноат комплекси системасидаги қўпгина ўзгаришларда шошма-шошарликларга йўл қўйилди. Масалан, пахта тайёрловчи хўжаликлар ўртасидаги мавжуд ўзаро ҳисоб-китоб системаси 1984 йилдан бошлаб жорий этилганлиги Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети даражасида маъмуриятчилик учун яна қўшимча имкониятлар яратди. Бу ўринда биз В. И. Ленининг огоҳлантириб айтган қуйидаги сўзларини эслан чиқариб қўйдик: «Ўз вақтида эсимизни йиғиб олишимиз керак. Жуда ҳам шошқалоқлик билан илгари юришга, ҳар қандай мақтанчоқлик ва ҳоказоларга нисбатан ҳушёрлик билан ишончсизлик кўрсатмоқ керак. Олга қараб босган қадамимиз тўғрисида ўйлаб кўришимиз лозимдирки, биз бу ҳақда соат сайин эълон қилаётирмиз, минут сайин бу қадамни босаётирмиз ва сўнгра бу қадамларнинг кучсизлигини, бачканалигини ва ноаниқлигини секунд сайин исбот этаётирмиз. Бунда ҳаммадан кўра зарарли нарса шошилишдир».

Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси шундан далолат берадики, пахта комплекси бошланғич бўғинларининг иқтисодий мустақиллилигини ривожлантириш — ўтмишда йўл қўйилган хатоларни тузатиш ҳамда янгиланиш жараёнлари тақозо этадиган объектив заруратдир.

Тажриба шуни кўрсатадики, мураккаб, ҳаддан ташқари оғир юк тусини олган пахта комплексининг иқтисодий механизмини кескин, дадил, чинакам революцион куч-ғайрат билангина ўзининг ҳақиқий йўлига қўйиш мумкин.

Республикамизда экологик ва социал вазият, айниқса, тобора кўпайиб бораётган меҳнат ресурсларини ишчи ўринлари билан таъминлаш экин майдонлари структурасини такомиллаштиришни, пахта етиштиришни барқарорлаштиришни ва жойларда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлашни кўнгилдагидек йўлга қўйишни таъминлашни тақозо этади. Бу ўринда чигит экиладиган майдонларни қаерда қанча ва қачон қисқартириш зарурлиги масаласи келиб чиқади. Ҳосилдорлик таҳлил этилаётганда шу нарса аниқ кўзга ташланиб қоладики, пахта комплексидан камида 400 минг гектарга яқин майдонни чиқариб ташлаш керак. Чунки бу майдонларда 10 центнердан 15 центнергача ҳосил олинади, холос. Юқори ҳосилли майдонларнинг ҳаммаси республиканинг меҳнатга қобилиятли кишилар ҳаддан ташқари кўп бўлган районларида жойлашган бўлиб, уй-жой қурилиши учун ҳам сиёсий масаладир. Зотан, республикамизнинг аҳоли зич яшайдиган районларида шахсий ёрдамчи хўжаликлар учун пахта майдонларини камайтириш ҳисобигагина ер ажратиш мумкин. Пахта майдонларини ва пахта тайёрлаш ҳажмларини барқарорлаштириш фақат фойдали бўлур эди. Аввало, бўшаган жойларда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва якка хокимлик оқибатларини ҳал этишни жадаллаштириш мумкин бўлур эди. Дастлабки ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, республикамиз ёрдамчи хўжаликларида чигит экиладиган майдонларни қисқартириш ҳисобига экин майдонларини икки баравар кўпайтиришнинг самараси 5-6 баравар кўп бўлади. Масалан, ҳозирги вақтда жами экин майдонининг ва боғларнинг 4 фоизга яқини шахсий ёрдамчи хўжаликларга биркитилган. 1987 йилда қишлоқ хўжалигида етиштирилган ялпи маҳсулотнинг 24,2 фоизи, чорвачилик ялпи маҳсулотининг 50 фоизи шу ерда етиштирилган.

Республика агросаноат комплексини ривожлантиришнинг илмий ечимларини бундан кейин ишлаб чиқиш пахта етиштиришнинг муайян ҳажмга боғлиқ эмас деб айтаётган бўлсак ҳам планлаштиришнинг ана шу тартибларидан ҳали тўла қутулганимиз йўқ.

Қаёт қайта қуриш муддатини белгилаб берди. Бу муддат қанчалигини ҳеч ким билмаса ҳам шу нарса аниқки, умуман республика агросаноати учун бўлганидек, пахта комплекси учун ҳам берилган вақтнинг бир қисми ўтди. Шунинг учун оқилона ўйлаб қўйилган, ақл тарозисига солинган мамлакат халқ хўжалиги комплексидаги асосий пахта етиштирувчи регионнинг табиий-иқтисодий имкониятларидан самарали, мақсадга мувофиқ файдаланишнинг узоқ йилларга мўлжалланган ҳажмини белгилашга зудлик билан киришмоғимиз керак. Бизнингча, икки-уч беш йиллик муддатга пахта экиладиган майдонлар қисқаришини эълон қилган тақдирдагина бунга эришиш мумкин. Бу вақт фақат фойда келтиради, мамлакат пахта базасини сақлаб қолиш учун шароит яратади. Шу вақт ичида янги ерлар ўзлаштиришни тўла бўлмаса-да, мумкин қадар қисқартириш, маблағларни қишлоқни социал ривожлантиришга сарфлаш лозим. Шундагина пахтакор ўзини «оқ олтин» етиштириладиган ернинг ҳақиқий хўжайини деб ҳис этади.

ПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1989 йил март Пленуми ҳозирги босқичдаги аграр сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Шундай экан, пахта комплексида уларни амалга ошириш учун тегишли шароит яратилганми, деган савол туғилади. Уларни амалга ошириш учун нималар қилиш керак? Шу муносабат билан биринчи навбатда ҳал қилиниши лозим ва бир-бирига боғлиқ бўлган қийинчиликларни имкони борича кўрсатиб ўтишга ҳаракат қилиб кўрайлик.

Биринчидан, хўжалик юритишнинг ҳамма бўғинлари, пахтакор колхозлар, совхозлар қайта ишловчи ва бошқа ташкилотлар, пудрат коллективлари учун тенг иқтисодий шароитлар бу комплексда ҳали тўлиғича яратилган эмас. Уларнинг иқтисодий алоқалари ҳамон сust.

Иккинчидан, пахта толасига давлат буюртмаси ҳажмини аниқлашда республикадаги шарт-шароит ва имкониятларни ҳисобга олмаслик, давлат буюртмасининг 100 фоиз даражасида қолиши ва давлат буюртмасининг рағбатлантириш жиҳатлари йўқлиги сабабли етиштирилган пахта маҳсулотини планлаштириш ва тақсимлаш масалаларида колхозлар ва совхозларга тўла мустақиллик бериш имкони йўқ. Натижада хўжалик ҳисоби даромадларини тақсимлашда ҳозир ҳам тўла мустақиллик бўлмаётир.

Учинчидан, пахтанинг харид нархи пастлиги ҳамда колхоз, совхозлар харид қиладиган саноат маҳсулотлари ва қурилиш материалларининг улгуржи нархларига мос келмаслиги хўжалик ҳисобига ўтишни қийинлаштирмоқда. Ваҳолонки, бу комплексдаги ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан қайта қуриш лозим.

Тўртинчидан, ҳозирга қадар хўжалик шаклларида ва ташкилий тузилишларини ривожлантиришда ноаниқлик ҳукм суриб келмоқда. Бўғинларни қисқартириш ва оддийлаштириш тадбирларини амалга ошириш чўзилиб кетмоқда. Пахта комплекси асосий бўғинларини тўла хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўзини ўзи бошқаришга ўтказиш ниҳоясига етказилгач, кооператив, хўжалик ҳисоби асосида янгича кўринишдаги тегишли бошқарув органларини тузиш учун зарур шароитлар яратилади.

Республикада юзага келган иқтисодий ва экологик вазиятни объектив баҳолаш структура муносабатларини ёки ҳеч бўлмаганда анъанавий халқ хўжалиги нисбатларини дадиллик билан синдиришни тақозо этади. Илмфан регионни иқтисодий хом ашё базаси сифатида сақлаб қолиш муқаррар равишда социал-иқтисодий қашшоқлашишга олиб келишини исботлаб берган. Шунинг учун 1990 йилдан бошлаб ўн учинчи беш йилликда қишлоқ хўжалиги хом ашёсидан, аввало, пахта толасидан тайёр буюмлар чиқарадиган ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга қаратилган енгил саноат комплекси тузилишини ва маблағ ажратиш сиёсатини ўзгартириш талаб қилинади.

Республика партия ва ҳукуматининг 1990 йилдан бошлаб қишлоқда яшовчиларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликлари ҳажмини икки баравар кўпайтириш тўғрисидаги қарори ижтимоий масалаларни ечишга етакчи тадбир бўлди.

Лекин бу масалани амалда ҳал қилиш тайёрлов системасини такомиллаштиришни тақозо этади. Деҳқон фақат сифати яхши, юқори ҳосилли экин етиштириш тўғрисидагина ўйлаши керак. У айни вақтда етказган маҳсулоти истеъмолчига ҳеч қандай тўсиқсиз етиб боришига ишончи комил бўлиши керак. Бу масалани ҳал этиш иқтисодий жиҳатдангина эмас, балки маънавий жиҳатдан ҳам жуда долзарбдир.

Республикада ишлаб чиқариладиган пахта толаси, ўсимлик мойи, кунжарани пировард қайта ишлаш натижаларининг умумиқтисодий баҳоси мамлакатдаги ялпи ижтимоий маҳсулотнинг анча қисмини ташкил қилади. Шунинг учун пахта комплексининг ўзидаги барча бўғинлар ўртасидаги ҳар жиҳатдан тенг алмашувни, шунингдек халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари билан ҳам шундай алмашувни таъминлашдан муҳимроқ вазифа йўқ. Чунки Ўзбекистон экономикаси бу муаммони ҳал этмасдан туриб, регионал хўжалик ҳисобига, ўзини ўзи бошқаришга ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўта олмайди. Республика хўжалик ҳисоби эса бу аввало республика даражасида ижтимоий ишлаб-чиқариш натижалари ва харажатларини қиёслашдир. Якуний натижа эса бу республикада яратилган миллий даромаддир.

Шу муносабат билан республикани хўжалик ҳисобига, ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ва ўзини ўзи бошқаришга ўтказишнинг энг муҳим шарти — пахтани қайта ишлашдан ҳосил бўладиган маҳсулотлардан тайёр буюмлар ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш энг муҳим вазифалардан бири деб биламиз. Масалан, пахта толасидан фойдаланишни ҳозирга қадар пахта умумий ҳажмининг 7-9 фоизига нисбатан 20 фоизга қадар етказиш республика миллий даромадини умуман 7,5-8 фоизга ошириди ва қўшимча ишчи ўринлари яратади.

Зеро, бу муаммоларни ҳал этиш республикамиз учун ҳаётий масаладир.

М. ИУЛДОШЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.

• *Янги шеърлар*

Зоҳиджон ОБИДОВ

Дўстлик хушдир

Ўз элим, ўз юртимни суйсам,
Ўз еримга меҳримни қўйсам,
Халқим дардин дардим деб куйсам,
Бахтини ўз бахтимга йўйсам,
Айтинг гуноҳми!

Ўзга элни суймас фаҳми ғўр,
Манманлик-ла ким бўпти машҳур!
Бахти борлар одилларга жўр,
Адашмасми эс-ҳушн бенур,
Десам гуноҳми!

Ким дер танҳо дарахтни ўрмон,
Дош беролмас ташланса бўрон,
Аҳилликда қудрат бегумон,
Якаликда бор доғи армон,
Десам гуноҳми!

Ардоқлидир барча ўлкалар,
Равнақига тутай елкалар,
Дўстлик хушдир ,менга қўл келар
Менсимасга қаҳрим мўл келар
Десам гуноҳми!

Дастурхоним яхшига ёйиқ,
Феълим дарё, юрагим қайиқ,
Ким камситса кўнглимда жой йўқ,
Ҳаттоки бир пиёла чой йўқ,
Десам гуноҳми!

Ўзбек ва рус тили қўшқанот,
Қайга борсам бўлмагайман ёт.
Ҳамкорликдан тўкисдир ҳаёт,
Ҳамдамликдан авжимиз бунёд,
Десам гуноҳми!

Қўйинг, ҳар ким, суйсин тилини,
Ўз тилида ёйсин дилини.
Эзгуликка бойлаб белини,
Юртга тутсин меҳр селини,
Десам гуноҳми!

Кечмишим бор, этгум нафтихор
Демак чўкур томирларим бор.
Дарахт турмас беилдиз зиқҳор
Илдизларим этмагумдир хор,
Десам гуноҳми!

Юрт севарми қиёфаси йўқ,
Эл севарми бурч, вафоси йўқ.
Кибрларнинг чин сафоси йўқ,
Кўнгли жарлик, кенг самоси йўқ
Десам гуноҳми!

Юраккинам, ҳамиша кенг бўл,
Торликни қўй, тантига тенг бўл,
Дўстлик яқо бўлса, сен енг бўл,
Хуш чиройга ярашган менг бўл,
Десам гуноҳми!

Мендан нолиманг

Мавжудотнинг мўъжизаси деб,
Менга таъриф берган эдингиз.
Пахта юрак жозибаси деб,
Толамгача терган эдингиз.

Пахта бойлик, миллий нафтихор
Дея тавсиф этмабмидингиз.
Тўқиб қўшиқ, турфа хил ашъор,
Не-не достон битмабмидингиз.

Биноларнинг пештоқларига
Номимни нур билан ёздингиз.
Гербу китоб варақларига
Рамзим нақш қилиб босдингиз.

Планларга планлар қўшиб
Зўр бердингиз роса қарсакка,
Қўшиб ёзиб юрдингиз жўшиб
Қўш-қўш орден тақиб кўкракка.

Яхши ҳамки, лой томлар битди,
Йўқса чиқар эдик томга ҳам.
Томорқалар қисқариб кетди,
Тақалгандек эшик, ромга ҳам.

Мен боҳона деҳқон бошига
Ботиндилар оғу сочишга.
Балли денгиз деҳқон дошига,
Урганмаган ташлаб қочишга.

Менн энди уялмай-нетмай,
Ёмонотлиқ қилмиш баъзилар,
Минбар муштлаб, тутоқиб бай-бай
Нолисалар бағрим эздилар.

Иштаҳангиз ўт олиб гув-гув
Қанча боғлар бошига етди.
Орол қолиб, Сир, Амудан сув
Қайдан-қайга адашиб кетди.

Қурир бўлса Оролнинг сувн,
Менн яна демишлар ёмон.
Чиқаверса ерларнинг чуви
Тош отилар яна мен томон.

Ҳой одамлар, уялинг андак
Оқ юзимни қаро қилманг, бас.
Таъналардан юрак бўлди қон,
Мантиқ энди сиз айтганчамас.

Мен ўзимни тиқиштирдимми,
Турфа мақтов тафтига кийиб.
Ўз майлимча чўлга кирдимми
Шўрлик Орол ризқини қийиб.

Мен пахтаман, борлиғим оппоқ
Ўз-ўзимча унмам ҳар жойда.
Менга гуноҳ ағдариб бу чоқ,
Ўзингизни оқлаш бефойда.

Экмасангиз ўсмагай эдим,
Бу дам мендан нолиб нетасиз.
Дўппингиз тор келганда энди
Нега менн бадном этасиз.

Мен нисон ва қуёшга ошиқ,
Менга ҳушдир шу қутлуғ тупроқ.
Халол меҳнат учун ярашиқ
Ҳимматим бор, туширмангиз доғ.

Оқ пахтаман, оппоқ пахтаман,
Заҳматкашни қолдирмам доғда.
Ўз қадримга ортиқ тўхтамам,
Адлу инсоф бўлсин ардоқда.

СПОРТ

СУВ ТЎПИ: **МУНОСИБ ДАЪВОГАР**

Францияда ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионатида совет ватерполчилари ғолибликка асосий даъвогарлардан бўлиб туришибди. Спортчиларимиз навбатдаги учрашувни АҚШ командаси билан ўтказиб, 9:8 ҳисобида ғалаба қозондилар. СССР терма командаси составида Тошкентнинг «Меҳнат» коллективи аъзоси Вадим Кудактин ҳам бор.

ФУТБОЛ: **ПЕШҚАДАМЛАР ҒАЛАБАСИ**

Биринчи лига коллективлари мамлакат чемпионатининг ҳал қилувчи давраси ўйинларини кўтаринки руҳда ўтказишга ҳаракат қилишмоқда. Навбатдаги учрашувларда фахрли ўринларни эгаллаб турган коллективлар муваффақият қозониб, мавқеларини мустаҳкамлашди. Чунончи пойтахт армиячилари сафарда «Кубань» футболчилари билан учрашиб, даровзага 7 та жавобсиз тўп киритдилар. Ягона пешқадам бўлиб турган армиячилар бу ғалабадан кейин очколарини 36 тага етказишди. Иккинчи ўринда бораётган «Қайрат» ҳам бўш келмаяпти. Олмаота футболчилари ўз майдонларида «Факел» даровзасига биргина тўп киритиш билан очколарини 33 та қилиб олишди. «Ғурия» ҳозир 32 очко билан учинчи ўринда бормоқда. Бу коллектив навбатдаги ғалабага «Шинник» майдонида (2:0) эришди. Ставрополь динамочилари имконият бой беришди. Пахтакорчилар эса яна бир ғалабадан кейин 28 очко билан тўртинчи ўринга кўтарилишди.

• ЭЛ СОҒЛИҒИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

МУҲИМ ТАДБИР

Кейинги пайтларда аҳоли саломатлигини сақлаш ишларига анча эътибор бериладиган бўлиб қолди. Бу борада республикамизнинг турли районлари ва қишлоқларида аҳолини комплекс равишда медицина кўригидан ўтказиш одат тусига кириб бораётир. Чунончи, яқинда Андижон шаҳридан борган бир гуруҳ малакали врачлар бригадаси Қорақалпоғистон АССРнинг Хўжайли районида бўлиб, аҳолини комплекс равишда медицина кўригидан ўтказдилар. Бригадага уюшган медицина ходимлари анча фаол ишлашди. Улар ҳар куни 130 нафарга яқин кишини тиббий назоратдан ўтказдилар. Булардан 40—45 фоизи болалардир.

Бригадага уюшган врачлар орасида хирурглар, гинекологлар, терапевтлар, педиатрлар ва медицина ҳамширалари бор. Бундай қайрли тадбир ін янада ривожлантириш зарур.

Суратда: бригада аъзоларидан лаборант Матлуба Готанова анализ учун қон олаётган пайт.

В. Молгачев сурати.

Оналик ҳуқуқингни ҳурмат этмаганларни
Юзларни қаро ойлаб, феълидан пушаймон қил.

ҲАМЗА.

• *Оила ва жамият*

СЎНГГИ СЎЗ— МАҲАЛЛАДОШЛАРГА

Бу аёл ҳар гал редакцияга кириб келганида ёки қўнғироқ қилганида қалбим зиркираб кетади. Унинг мушкулини осон этолмаётганимиздан ҳижолатга тушаман. Ана шунда ота-оналар ва болалар, қариндош-уруғлар, эру-хотин, қўйингчи, одамлар орасидаги муомала, инсоний муносабатларни ташқаридан туриб режалаб бўлмаслигини, бу фақат ва фақат ўша одамларнинг ўзларигагина боғлиқ эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламан.

Ўғил отага қўл кўтарса, опа-сингил мерос талашиб юз кўрмас бўлиб кетса, келин мерос ғамида қайнона билан қайнота ўлимини кутиб юрса, қўни-қўшни бир газ ер талашиб ёқа бўғишса... Нималар бўляпти ўзи?! Ота-боболаримиз бундай кўргуликлардан ор қилишарди. Адоватни бошлаган кимса одамлар нафратига учрарди. Ҳа, ҳа одамлар эътиборидан қолиш ҳар қандай қонуний жазодан оғирроқ саналарди. Эндиликда бировнинг ташвишини енгиллаштириш, ўзаро меҳр-оқибатли бўлиш ноёб фазилат бўлиб қолмоқда. Нега, нима учун деган саволлар кишини қийнайди.

Турсуной Халилованинг беҳаловат турмушидан зорланиб ёзган хати юзасидан у яшайдиган пойтахтдаги Миршаропов номли маҳалла комитети раиси Саидакбар Саидҳўжаев билан учрашдим: «...Келинлари яхши оиладан кўринади, одобли...»

Тўғри, келин кўринишидан худди шундай эди... Турсуной опа билан унинг ўғли Камолиддин ёнимизда пайдо бўлиши биланоқ келиннинг чеҳраси тундлашди. Ичкари кирганимизда унинг бу кайфияти яна ҳам кучайди. Афтидан бу хонадонни хурсандчилик, иноқлик тарк этган шекилли. Оила аъзолари бир дастурхон атрофида анчадан буён ўтиришмаган чоғи...

Қўни-қўшнилардан бирортасини чақириб келиш учун келин ташқарига йўл олиши билан ўйнаб юрган бола бувиси — Турсуной опага яқинлашди. Гулчеҳра қайтиб келган заҳоти бола дарров бувисидан ўзини тортди. Икки ёшли болакайнинг онасига нима ёқмаслигини фарқлай билиши, оиладаги нохуш кайфият гўдакни ҳам заҳарлаб улгурганидан афсусланасан киши.

— Сизлар қаердансизлар?, — сўради Камолиддин келганимиз ёқинқирамай.

— Газетадан...

— «Саодат» журнали, телестудия қолиб энди газетага бордингизми, ойи, — деди у зарда билан. — Бизларни тинч қўясизми, йўқми?!

Камолиддиннинг кайфияти Гулчеҳрага далда берди:

— Бу кишим ўйда ўтиролмайдиган бўлиб қолганлар, идорама-идора шикоят қилиб юрибдилар. Бу уйга ҳатто рўйхатга ўтмаганман. Уй ҳужжатларини бекитиб қўйибдилар...

— Қайнонангиздан сўранг, илтимос қилинг, — деди маҳалла комитети раиси.

— Вой амаки, бу хотин билан тўғриликча гаплашиб бўладими? Биласизми у мени нима деб ҳақорат қилди... Эшитсангиз ёқа ушлайсиз...

Келиннинг қошлари чимирилиб, лаби-лабига тегмасди, оғзидан боди кириб, шоди чиқарди...

Онасига нисбатан ҳурматсизлик учун ўзи йўл очиб берганига қарамай, хотининнинг бу қилиғи Камолиддининнинг иззат нафсига тегдими, аччиқланиб ўрнидан туриб кетди: «Овозингни ўчир» дея хотинига пўписа қилди. Маҳалла комитетининг раиси ноқулай аҳволда қолди.

— Бас қилинг, — деди у ҳали менга мақтаган келининг ҳозир жазаваси тутганидан ҳижолат бўлиб, — Сизларга гап уқтириб бўлмайди чоғи. Маҳалла оқсоқоллари ҳам буларни муросага келтиролмаган , — гапида давом этди у. — Ёшлар кексаларга ён босмайдиган бўлиб қолишган. Ўша йиғилишда оналаридан узр сўраб, тинч-тотув яшашга ваъда беришганди. Гапнинг индаллосига келсак, бу уйда онанинг ҳурматини ўрнига қўядиган фарзандлар яшаши керак. Бу қўлларингдан келмас экан, марҳамат, бўлак бўлиб чиқиб кетаверинглар. Онангиз оёғингизга ёпишиб олаётган йўқ-ку!...

— Бир хонага эллик сўм ижара ҳақи тўлаб қандай яшаймиз, ахир, ўйлаб гапиряпсизми ўзи, — Камолиддин гапга аралашди.

— Ҳа, бировнинг уйида ижара ҳақи тўлаб турганларингизда эди бу уй-жойларнинг, уни тер тўкиб қурган одамларнинг қадрига етган бўлардингиз, — деди раис ўрнидан туриб эшик сари юзланар экан.

Гап-гапга уланмади. Ҳадеганда қўшнилардан ҳам дарак бўлмади. Хонадонни тарк этдик. Турсуной опа эса ёш боладай кетимиздан эргашиб бекатгача келди. Автобусга чиқарканман, тубсиз дард билан бизни кузатиб қолган она сиймоси юрагимга муҳрланиб қолди.

— Шу уй-жойларни Камолиддинни деб, бўлажак невараларимни деб қурганман, — дейди она. — Инвалидлигимни инобатга олиб, Киров, Октябрь, Куйбишев район ижроия комитетлари қурилиш материалларидан ёрдам бериб туришган. Уч хона, бир айвонли уй қад кўтарди. Келинимга янги ремонтдан чиққан икки хонани бердим...

Ҳа, Турсуной опадан бахтли одам йўқ эди. Ахир, битта боласи иккита бўладию, қувонмасинми! Эҳтимол қиз узатиш, ўғил уйлантириш базъи одамлар учун оддий, одатий воқеа саналар, лекин бу она учун ғойибдан келган бахт эди бу, бахт! Ахир сал кам 40 ёшида оила қурди. Эри ҳам ўзига ўхшаган иккинчи группа инвалид эди. Шифокорлар тили билан айтганда, Турсуной опа лилипут — пакана. Бўйи 120 сантиметрда тўхтаб қолган. 18—19 размерли оёқ кийим кияди. Унга бир ярим метр матодан кўйлак тикса бўлади...

...Шундай митти онанинг оғирлиги салкам 4 килограмм, бўйи 55 сантиметрли жисмонан соғлом фарзанд кўриши медицинада жуда кам учрайдиган ҳодиса эди. Турсуной опа оналик бахтига эришганди. Ўғлига Камолиддин дея исм қўяр экан, уни еру кўкка ишонмас, боласининг ўсиб-улғайиши учун врачларнинг оғзидан чиққанини бажарарди. Онанинг ёлғиз фарзандини оёққа қўйиб, вояга етказиши, ўрта мактаб, олий ўқув юртида ўқитишнинг ўзини ёзаман десангиз бир дафтар бўлади. Чумчуқдай жонини ўғлига бахшида айлади. Камолиддини камолга етди, уни уйлантирди. Ҳамма қийинчиликлари унут бўлди. Она паҳлавон ўғли билан келинини олдига солиб меҳмонларга боришни орзу қиларди... Аммо... бир куни улар кўчага чиқишганларида келининнинг ўғлига «онангиз биздан иккн-уч қадам ё олдинда ё орқада юрсинлар, у киши билан бошлашиб юришга уяламан» деганини эшитиб қолди. Ўша куни Турсуной опа мижжа қоқмади. Воқеадан воқиф бўлган эри бир оғиз илиқ сўз билан унга таскин берай демади. Она ўз ёғига ўзи қоврилди.

Бир куни у кўчадан уйига қайтиб келаркан йигирма йиллар мобайнида ишлатиб юрган, бўйига мослаб паст қилиб ўрнатилган газ плита ўрнида расмана газ плита пайдо бўлиб қолганини кўрди.

— Вой болам, мени ўйламадингизми?! — деди қойниб она.

— Сиз мени ўйладингизми, — терс қаради келин. — Қачонгача энгашиб овқат қиламан, энгашиб чой қўяман...

Турсуной опа бир эрига, бир ўғлига ғилтиллаб қараб қўйди. Улар бу гапга аралашиш эркакларнинг иши эмас дегандек тескари қарашди. Ҳойнаҳой, газ плитани келиннинг ўзи ўрнатмагандир. Ҳойнаҳой, плитани магазиндан келиннинг ўзи харид қилиб келмагандир. Янгисини паст плита ёнига ўрнатиб қўйишса нима қиларди?

Вақт-бевақт онанинг чой ичгиси келиб қоларди. Оддий чой қайнатиш азобга айланди. Уйдаги гап кўчага чиқди. Қўни-қўшнилар онанинг баъзида иссиқ-совуқсиз қолиб кетаётганини ҳам эшитишди. Ким иссиқ сомса чиқаради, ким овқат илинади, уйига таклиф этадиганлар кўпайди... Бу шунчаки манзират эмасди. Буни меҳрга меҳр, оқибатга оқибат дейдилар. Негаки Турсуной опа ҳам улардан жонини аямайди. Ҳамшира бўлгани учун Халилова талабини инобатсиз қолдирмасди.

Суд қароридан кейин оиладаги аҳвол янада кескинлашди. Йиллар давомидаги бу оилавий можародан ким кўпроқ азият чекмоқда? Она! Ҳам жисмоний, ҳам маънавий, ҳам моддий зарар кўрмоқда. Бошидан 9 бор операция ўтказган, иккинчи группа инвалиди бўлган она ҳамон сарсон-саргардон... Шундай экан, бу масала ҳали ниҳоясига етгани йўқ. Унга сўнгги нуқтани маҳалла аҳли қўяди. Демак, сўнгги сўз маҳалла аҳлига қолади...

Она яхши ниятлар билан йиллар давомида йиғган-терган маблағидан уч минг сўмни ўғли номига жамғарма банкига қўйган эди. Ўғли эса отасининг иши судда кўрилаётган ўша алғов-далғов кунларда бу пулни онасининг рози-ризолигисиз омонат кассадан олди. Ўғлининг бу хатти-ҳаракатини қонунушунослар қонуний деб тасдиқламоқдалару, масаланинг маънавий жиҳатини эътибордан четда қолдирмоқдалар. Бу қандай фарзандки, онаси унинг номига қўйган пулни олса-ю, онасидан бир оғиз розилик сўрамаса? Бунга унинг маънавий ҳаққи борми?!

Ҳуқуқ-тартибот органлари Халилованинг «уйдан кўчириб юбориш» ҳақидаги аризасини кўриб чиқаётганда Бердиевнинг «Уйни биргаликда қурганмиз» деган даъвосини инобатга олди-ю, айни иморат қурилаётган йилларда унинг 23 сўмдан 30 сўмгача инвалидлик пенсияси олиб яшагани, бу маблағ иморат у ёқда турсин, ўзига — тирикчиликка ҳам етмаслиги эътибордан четда қолди. Ёки аёлнинг собиқ эри билан бир уйда яшай олмаслигига асос қилиб кўрсатаётган унинг ҳаётига қасд этгани ва бунинг учун судланганн, Бердиев 1977 йилдан наркологик диспансер ҳисобида бўлиб, унда икки бор ётиб чиққани, Халилованинг шикоятига кўра участка милициясига чақирилиб, бу суҳбатлар ҳужжатлаштирилгани каби фактлар инобатга олинмади... Судмедэкспертизанинг 1988 йилга доир яна иккита хулосаси мавжуд. Даъвогар Халилова уларда келинини сабабчи қилиб кўрсатади...

Келиннинг уй дафтарига ўтолмаяпман, ҳужжатларни қайнонам яшириб қўйибдилар, деган эътирозлари бўйича Турсуной опа билан узоқ суҳбатлашдик. Суҳбат жараёнида шу нарсани англадимки, у киши уй-жойини орқалаб кетмоқчи эмас.

— Яхши ният билан болаларимга деб қурганман, — дейди она. — Меросим ҳурматимни ўрнига қўйган, аҳил-иноқ фарзандларим учун. Акс ҳолда уларга гардини ҳам раво кўрмайман.

Ота-онаси билан муроса қилиб яшай олмайдиган болалар қайси юз билан улар яратган имтиёзлардан фойдаланмоқчи бўладилар? Ўзи ёмону уй-жойи, топган-тутгани яхшими?

Ўғил эса фарзандлик бурчи ҳақида гаплашишни истамайди. Аксинча онасидан гина-кудрат қилади. Оиламизни шарманда қилдилар, дея ўпкаланади-ю бунинг сабабларини қидирмайди. Камолиддин билан бир неча бор учрашдим. Оиладаги нохуш аҳволдан изтироб чекаётгани кўринди турибди. Аҳволни тузатиш учун сўз беради-ю амалда иш бошқача... Ҳар гал онам фойдаланиб келган газ плитани ўрнига қўйиб қўяман, дейди-ю оддий шу масалада ҳам ваъдасининг устидан чиқмайди. Онаизорнинг боласидан қаттиқ дили оғриган. Негаки, ундан ўтган жойлари бор...

— ... Тунов бир пиёлагина олча териб бер дея зорландим ўғлимга, — дейди она. — У эшитмаганликка олди... Туғилган куним эди. Уйимга интилдим. Эшикни очишим билан ўғлимга дуч келдим. Юрагим хаприқиб кетди. Ёшлигида ариқ бўйларидаги чучмўмоларни териб келиб совга қиларди. Катта бўлгач, бундай байрамларга алоҳида совга тайёргарлик кўрарди. Бугун эса бир оғиз ширин сўз...

...Ўша куни она фарзанди кўзларига узоқ тикилди. Ўғил онадан кўзларини олиб қочгандагина қорачиқлари муздек қотиб қолганини пайқади. Она қўрқиб кетди. Беихтиёр ўғлининг бешикда ётган пайтлари кўз ўнгига келди. Болакай кўзларини ўйнатиб-ўйнатиб уни кузатар эди. Шу кўзлар она меҳрини ўзига мудом чорлаб турарди. Шу чумчуқдай она боласи учун бутун бир олам бўлиб кўринарди. Боласи тамшаниб турганда она сийнасини тутмоқчи бўларди. Кичкинагина онанинг эса бўйи бешикка етмасди...

Она сутидай пок, беғубор туйғу уйғониши керак. Фарзанднинг кўз қорачиқларидаги музлар эримоғи фарз. Онага эримаган муз қалблар ҳеч кимга эримайдиган бўлиб қолади.

Камолиддин хизмат қиладиган республика банки кадрлар бўлими бошлиғи Нормуҳамедов билан телефон орқали боғландим. У ниятимни тушундими, дарров муддаога кўчди:

— Бердиев билан гаплашдим. Онаси унинг номига қўйган 3 минг сўмни жойига қайтиб қўядиган бўлди...

Орадан ҳеч кун ўтмай ўша идорадан редакция номига расмий жавоб келди.

«...К. Бердиев ўз номига қўйилган 3 минг сўм пулни омонат кассадан олганида ҳеч қандай тартиб бузилмаган...»

Гулчеҳра Бердиева ишлайдиган «Агропромбанк»нинг Нариманов бўлими раҳбарларининг бу воқеага муносабатлари ҳам юзаки. Кўринишдан ҳар икки масъул ташкилот раҳбарлари, касаба союз, партия, комсомол ташкилотларини меҳнат коллективлари аъзоларининг ишдан ташқаридаги ҳаётлари мутлақо қизиқтирмайди.

Халилова билан ўзаро мулоқот, суҳбатлар, унга даҳлдор масала бўйича одамлар билан тўқнашув ва учрашувлар бу аёлнинг янгиданянги сифатларини билиб олишимга ёрдам берди.

Маҳалласида дастлаб бўлган куним бир қўшнисидан уни қанақа одам деб сўрагандим.

— Анонимчи, — деди у шивирлаб. — Ёзгани-ёзган...

Турсуной опанинг ён қўшниси шифокор Иннур ака Шайховга бу воқеани айтиб бергандим қотиб-қотиб кулди. Кейин «Анонимчи эмас, шикоятчи демоқчи бўлган. Оббо кампири тушмагурей, — деди. — Хўш, ўринли шикоят бўлса бунинг нимаси ёмон. Бекатимиздан ўтиш билан йўллар қоп-қоронғи эди. Турсуной опа маҳалла аҳли номидан елди-югурди... Мана, кўриб турибсиз, ҳаммаёқ кундузгидек ёп-ёруғ. Маҳаллага кираверишдаги йўлга ҳойнаҳой кўзингиз тушгандир. У ҳам шу аёлнинг куйди-пишдилиги билан асфальтланган. Ахлат машинасининг келди-кетдисини ҳам тартибга солиб қўйди. Агар ҳамма қўшнимга ўхшаган адолатпарвар бўлганда борми, бугун биз қайта қуриш қилиб ўтирмасдик...

Қўни-қўшнилар, суд, милиция ва жамоатчилик кўз олдида бир оила пароканда бўлиб бормоқда. Уни тиклаш, соғломлаштириш чораси топилмаяпти. Онаизор кексайган чоғида ўз уйига сиғмай қолди. Сарсон-саргардонликда умр ўтказмоқда. Иссиқ ўрни совиди. Ўз уйига кийим-кечакларини алмаштиргани, гоҳ у, гоҳ бу нарсаларини олгани, баъзида эса уйини, қўшниларини соғиниб бирров келиб кетади. Келганида кутиб оладигани, кетганида кузатиб қўядиган меҳрибони йўқ.

Одамга ўз уйидан ташқарида яшаш осонми? Ҳамма нарсанинг ниҳояси бўлади. Лекин бу сарсонликнинг чеки кўринмаяпти. Ахир, ҳар бир инсон тер тўкиб, ўзи бунёд этган уйда яшаш ҳуқуқига эга эмасми? Бағритошлик ҳам шунчалик бўладими?!..

Мақолага нуқта қўймоқчи бўлиб тўпланимда редакцияга Турсуной опанинг маҳалладошларидан бир группаси қўл қўйган мактуб келиб қолди:

— ...Етар шунча инсоф қилганимиз, — деб ёзишибди улар. — Қобил фарзандлар номига иснод келтираётган ёшларни газетхонлар ҳукмига ҳавола қилинглар. Токи улар бу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини айтсинлар.

Бу масалада одамлар фикри катта ижтимоий куч, албатта. Лекин сўнгги сўз, қатъий қарор Турсуной Халилованинг маҳалладошлари зиммасида қолади.

Дилбар МАҲМУДОВА.

(«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 11 августда чиқади).

Муҳаррир У. УСМОНОВ.

• *Реклама ва эълонлар* •

РЕКЛАМА ИШИ МУТАХАССИСЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмаси, Бутуниттифоқ «Билим» жамияти, Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти, Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси 21—22 сентябрь кунлари Тошкентда

«РЕКЛАМАНИНГ СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РОЛИ ВА УНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ»

МАВЗУИДА ПУЛЛИК СЕМИНАР ЎТКАЗАДИ

Унинг ишида мамлакатимизнинг етакчи реклама мутахассислари иштирок этадилар.

Семинарга савдо, маиший хизмат, кооператив корхоналар, оммавий ахборот воситаларининг мутахассислари, шунингдек фан ва маданият ходимлари таклиф этиладилар.

Бир тингловчини ўқитиш ҳақи — 100 сўм.

Бошқа шаҳарликлар меҳмонхона билан таъминланадилар.

Агар рози бўлсангиз, ўқишга юборилиадиган ходимлар сонини аниқлаб, уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими ҳақидаги маълумотларни бизга юборишингизни ва «Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонасининг ҳисоб-китоб счётига юқорида кўрсатилган пул маблағини ўтказишингизни сўраймиз. Ҳисоб-китоб счётининг Тошкент шаҳар ўй-жой социал банки Киров район бўлимидаги номери 000440502. Банк коди 734321 («Семинар» белгиси билан).

Семинар Ўзбекистон кўчаси, 98-уйда жойлашган Кино уйида ўтказилади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-37-24, 45-37-26. Бизнинг адрес: 700027, Тошкент шаҳри, Большевик кўчаси, 6«а» уй.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! СССР МОЛИЯ МИНИСТРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

1989 йил 1 сентябрдан бошлаб

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ТЕХНИКУМИ **ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар 1989 йил **1 сентябргача** қуйидаги адресда қабул қилинади: 700138, Тошкент шаҳри, Ғ. Ғулом кўчаси, 18-уй.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

кафедралар бўйича профессор-ўқитувчилар составидаги вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудир: автотрактор двигателлари (техника фанлари доктори), бухгалтерлик ҳисоб-китоби ва хўжалик фаолияти таҳлили;

профессор: физика (физика-математика фанлари доктори);

доцентлар: автотрактор двигателлари, йўл-қурилиш материаллари, рус тили;

катта ўқитувчилар: электротехника ва электроника асослари, рус тили, кўприклар ва тоннеллар (қурилиш механикаси бўйича).

Конкурс муддати — 18 августгача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 20-уй.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, партия комитети, жамоат ташкилотлари, шунингдек ўзбек ва қозоқ филологияси факультети коллективи ўзбек тилшунослиги кафедрасининг катта ўқитувчиси

Насиба Далабоевна ДОНИЕРОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Р. — 04276. Б. — 184. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12